



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 22-may №21 (4316)



## МЕХРИМИЗ МЕВАЛАРИ

Мана, баҳорнинг сўнгги ойнаси ҳам поёнига етмоқда. Республика-мининг барча мактабларида ўқув йили якунланишига санокти қунар қолди. "Хайр мактаб, салом коллеж" шiori остида ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик қизгин. Мактаб ҳаётида фаол иштирок этган, одоб-ахлоқи, интилувчанлиги, тиришқоқлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлган ўқувчилар "Энг аълочи ўқувчи", "Инглиз тили билимдони", "Ёш ихтирочи", "Мактабимиз фахри", "Спорт устаси", "Компютер билимдони" каби номинациялар билан тақдирландилар. Бундай раббатлангиришлар келгусида ўқувчиларни янада фаол бўлишга ундайди ва руҳлангириди.

тортиб шу кунгача эришган ютуқлари эришолмаганлари, янги орзу-умидлари бир-бир ўтади. Жонкуяр ва фидойи устозларининг меҳнатлари зое кетмаслиги учун коллеж ва лицейларда яхши баҳоларга ўқишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишади. Ахир ана шундай жонкуяр устозлар туфайли қанчадан-қанча ўғил-қизларимиз турли халқаро танловларда фахрли ўринларга сазовор бўлиб, юрт шаънини кўтармоқда.

Ёшларимизда овоз юртининг доврuginи етти иқлимга таратиш қудрати, салоҳияти бор. Зеро, ўтмишда буюк кашфиётлар қилган, ўзларининг улкан мероси билан ҳалихануз дунёни лол қолдириб келаётган аждодларимиз бизга доимо йўлчи юлдуз. Ўтган йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқда Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Бу улўз зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни хайратга солиб келаётган ютуқлари — бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз".

Ўтган аждодларимиз ва устозларимизнинг ана шу жасорати, илм-фанга бўлган садоқати ўғил-қизларимизни ҳам буюк кашфиётлар яратишга ундаши шубҳасиз. Ёшларимизнинг илм чўққиларини эгаллашлари учун мамлакатимизда барча шарҳ-шоирлар муҳайё этилган. Ўтган йилда таълим-тарбия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, мактаблар, лицей ҳамда коллежлар, олий ўқув юртининг базасини яхшилаш масала-

ларига катта эътибор қаратилди. 28 та касб-хунар коллежи қурилди. 390 га яқин умумтаълим мактаби қайта реконструкция қилинди. Фарзандларимизнинг спорт ва санъатта бўлган қобилияти ва интилишлари ҳисобга олиниб, ўтган йилнинг ўзида юздан ортиқ спорт иншоотлари, эллика яқин мусика ва санъат мактаби барпо этилди. Ўтаётган ўқув йилида умумтаълим мактабларида 4 миллион 458 минг 162 нафар ўқувчи таълим олди. Жумладан, ўқув йили бошида 587 минг нафардан зиёд жажжи ўғил-қизларимиз 1-синфга қадам қўйди. Ана шу болакай-қизалоқлар бугун аъло баҳолар билан ўқиб яна бир ёшга улғайдилар.

### Тараддуд

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес мактаблардан бири — "ИНСЕАД" томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққийёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, яъни таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас.

Бугун ҳар бир битирувчининг қалбида эзгу орзу-ниятлар катта мақсадлар мўжассам. Улар олам ва ҳаёт илмлари ҳамда одамийликдан сабоқ берган устозларига коллеж ва лицейларда аъло баҳоларга ўқиб ўз миннатдорликларини билдирадилар. Ассалом янги ҳаёт, ассалом янги доовон ва орзулар, дея олға қадам ташлайдилар. Уларнинг йўлларини эса улўз аждодларимизнинг улкан мероси ва хонадонларимиз фаришаси бўлиш бобоо бутимларимизнинг ок фотиҳалари машъаладек ёритиб тураверади. Хайр мактаб, салом янги доовон, янги орзулар...

Барно СУЛТОНОВА

## ВАТАН ҚАДРИ

### Илк танишув

Навоийлар юрти, Бобурлар юрти, Унинг-чун бағишланг ҳатто жон, танин. Мустақиллик шарт, эзулик шарт — Қадрига етайлик шундай Ватанин.

Омадлар ҳар юрган йўлимиздадир, Шароитлар ўнгу сўлимиздадир, Келажак бизларнинг қўлимиздадир, Қадрига етайлик шундай Ватанин.

Кимлар Ватан дея юриб елмаган, Кимлар далаларда пахта термаган, Бу қунар ўздан ўзи келмаган, Қадрига етайлик шундай Ватанин.

Экмасанг — минг йилда пишмайди гилос, Юртга меҳр қўйинг, Ватанга ихлос. Акалар, сингиллар сиздан илтимос, Қадрига етайлик шундай Ватанин.

Жамолдин ХИКМАТ → 3

## БОҚИЙ ВАСИЯТНОМАЛАР

Навоий ижодида ижтимоий фикр ва поэтик талқиннинг бетакрор намуналаридан бири шоир қаламига мансуб ўттиздан ортиқ васиятномадир.

"Мажлис ун-нафоис" асаридagi Мир Шохий, Мавлоно Қабулий, Мавлоно Лутфий тўғрисидаги фикраларда қалам аҳли, ижодий жараён билан боғлиқ васиятлар қаламга олинса, "Хамса" сюжетида фақат Лайли, Мажнун, Фарҳод, Ширин, Искандар каби бош қаҳрамонлар ҳаётининг муҳим жиҳатларини очиб берувчи васият ва васиятномалар талқин қилинган.

"Насоийм ул-муҳаббат" да ҳам ўнлаб васиятларни ўқишимиз мумкин, аммо ҳамма учун ибрат бўладиган васият ҳамда васиятномалардан бири, бу — Жалолиддин Румийнинг ўн бир ҳикматдан иборат васиятидир. Навоий бу васият билан бизни тазкиранинг "Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румий қ.с." зикрида таништиради. Навоийнинг маҳорати шундаки, шоир айнан бир васият ёки васиятномани мазмунан бир хил, аммо шаклан турли усулда ёзишга ҳаракат қилган. Масалан, лирик ва эпик тур қонуниятлари асосида Доронинг Искандарга айтган учта васияти ҳамда Искандарнинг ўлими олдидан онасига ёзиб қолдирган машҳур васиятномаси ва аёнларига васиятини "Садди Искандарий" достонида маснавий шаклида жуда таъсирчан, кенг ва ба-

тафсилроқ ёзган бўлса, худди шу мавзудаги васият ва васиятномаларни "Тарихи мулуки Аҷам"да насрий усулда қисқа ва лўнда баён этган. Бу жараён Навоийнинг бетакрор услубини намойиш қилади. Кузатишлар шунки кўрсатдики, китобхонлар кўпроқ аънавийни, бироқ Навоий ўзгача маҳорат билан таъсирлаган Искандарнинг ўлими олдидан онасига ёзиб қолдирган ҳаёт ва инсон, она билан ҳукмдор ўғил муносабати, жамиятда инсон қандай табақага мансуб бўлса ҳам "холи илик", "шал илик", "ялон илик" (Навоий иборалари) билан дунёдан кетиши ҳақидаги ижтимоий, фалсафий, дидактик фикрлар мўжассам бўлган машҳур мактуб шаклидаги васиятнома ва васиятини билдилар. Чунки навоийшунослар ҳам ўз тадқиқотларида мазкур васиятномани васиятнома деб эмас, асосан, мактуб, нома жанрининг бетакрор намунаси сифатида муайян даражада тадқиқ этганлар. Навоий асарларини мутолаа қилганимизда, ўз-ўзидан онгу шууримиз, руҳиятимизда улўз мутафаккир ёзиб қолдирган кўлаб ҳикматли мисра, байтларни ёки лирик лавҳаларни унинг инсониятга, хусусан, бизга ёзиб қолдирган васиятномалари деб қабул қилганимиз, гўё ўзимизни шунга маънавий ҳақли деб топганимиз келади. Қарангки, бу руҳий, маънавий бўлишқни сезган зукко навоийшунос олима Суйима Ганиева "Ҳазрат Навоийнинг васияти" рисола-сини ёзиб, ушбу кемтикликни қисман тўлдирди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

## ОЗАР ЮРТИДАГИ ҒАЛАБА

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизнинг барча худудларида янги мусика мактаблари бунёд этилиб, энг сўнгги русумдаги мусиқий жиҳозлар, замонавий чолғу асбоблари билан таъминланмоқда. Меҳр ила парварши қилинган ниҳол бир кун келиб, албатта, ўз ҳосилини берганидек, ёш ижодкорлар учун яратилган имкониятлар улғайди янги истеъдод қирраларини кашф этишга, халқаро миқёсдаги фестивал ва танловларда юқори ўринларни эгаллашга замин яратмоқда. Чирчиқ шаҳридаги 15-мусика ва санъат мактабининг 8-синф ўқувчиси Омонбек Рихсимбоев шундай истеъдодли ёшлардан. У яқинда Озарбойжонда ўтказилган IV халқаро мумтоз мусика кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Танловда Эрон, Индонезия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатлардан жами юзга яқин ўғил-қиз ўзаро беллашди. Мамлакатимиздан борган йигирма нафар мусиқачининг уч нафари чирчиқлик ёш истеъдод соҳиблари бўлиб, фортепьяно, кларнет, фагот, флейта, саксофон, рубоб каби чолғуларда маҳоратларини намойиш этдилар.

Дарвоқе, Омонбек ўтган йили Сочи ва Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро танловларда ҳам ўз ижролари билан хорижлик санъат ихлосмандларини қойил қолдириб, голибликни қўлга киритган эди.

Ирода НОРБОЕВА. Даврон АҲМАД олган сурат.

## Истиқлол фарзандлари



## ДАҲЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Қарш шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар Кенгашининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти ҳокимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ёрдамчиси М.Ражабов Ёзувчилар уюшмасининг мазкур йиғилиши ўзига хос ижодий сарҳисоб эканлигини айтиб, давр талабларига мос янги вазифалар адиблар учун ҳам ниҳоятда долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Хозирги кунда адабиётимизга берилган ётган юксак эътибор, аиниқса, ёш ижодкорлар учун яратилаётган катта имконият-

лар тўғрисида сўз юритилди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари орасида Қашқадарё вилоят бўлими энг кўп сонли ижодкорларни ўз сафида бирлаштирган. Бу бежиз эмас. Юртбошимизнинг сўхбат ва маъ-

### Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларида

рузаларидаги ҳар бир сўз ижод аҳлига ҳам тегишли десак муболага бўлмайди. Негаки, фермерлик, бунёдкорлик, илм-фан, маънавият ёки бошқа соҳалар — юртимиздаги барча жараёнларга қалам аҳли ҳам бирдек даҳлдор.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Таникли адиб Исмоил Тўхтамишев нафақага чиқиши муносабати билан шоир Уроз Хайдар Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари этиб тайинланди. Уюшма аъзоларидан Жаббор Халил, Бўритош Носирова, Мунаввара Усмонова, Нилуфар Умарова, уюшма поликлиникаси бош врач Анвар Ражабов ва бошқалар бугунги жўшқин бунёдкорлик даврида ижодкорларнинг ўрни ва вазифалари, Қашқадарё ижодий муҳити ҳамда ижодкорларга яратилаётган кенг имкониятлар хусусида сўз юритдилар.

Фаоллар йиғилишини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али бошқарди.

## БАДИИЯТ ВА ҲУҚУҚ УЙҒУНЛИГИ

Фалсафа, ҳуқуқ ва адабиёт илми қадимдан бири бири билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Бу ҳолни барча даврларда яратилган фалсафа, ҳуқуқ ва бадиий адабиёт таҳлилига оид илмий тадқиқотларда кузатиш мумкин. Дарвоқе, Мустақиллик даврида бу соҳа вакиллари маънавиятимиз ва маърифатимизни юксалтиришда илгор позициядан туриб фикр юритмоқдалар. Таникли ҳуқуқшунос олим, профессор Акмал Саидов ана шундай зукко олимлар сирасидан. Олимнинг сўнгги йилларда

эълон қилинган Шекспир, Данте, Гёте, Бальзак, Жойс, Кафка, Готман каби жаҳон адабиёти салафлари ижодида бағишланган мақола ва рисоалари бунга далилдир. Шунингдек, унинг томонидан тартиб берилиб, нашр этилган "Француз юрист-адиблари" (2013), "Альбер Камю" (2014) номли китоблар ўқувчилар тарафидан илиқ кўтб олинди. Яқинда профессор Акмал Саидов сўзбошиси ва муҳаррирлигида "Жаҳон адабиёти дурдоналари" номли туркумнинг биринчи жилди нашрдан чиқди (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015).

Давоми иккинчи саҳифада.

### Янги нашр

Эсимда, бу дарахтнинг мевалари олгиндай сап-сарик бўлиб пишарди. Шамолда ерга тўкилса-да, ҳеч заха эмас, тўёки "мени ол, ариқдаги сувда чайиб тўйгунингча е", дегандек юмшоқ тупроқ узра сочилиб ётарди. Биз болалар дўшларимизни мевага тўлдирардик. Кечгача бу мевалар эрмак эди. Пола қайтар маҳалида катталар: "Нега тушликка келмадинг?" дея койишарди. "Олмуруд (нокнинг бир тури) териб едик" деганимиздан сўнггина уларнинг кўнглилари хотиржам бўларди.

### Кўп йиллардан сўнг...

Ҳаммамиз улгайиб, турли томонларга қараб кетдик. Лекин дўстлар даврасидаги суҳбатларда ҳар гал ўша олмуруд қайта-қайта ёдга олинади. Чунки у шўх-шаддо болалигимиз ўтган йилларнинг гувоҳи...  
 Ўша олмуруд дарахти ҳосилдан бугун ҳам қишлоқ болалари бахраманд бўлаётганини кўриб ўйга толаман. Бу сермева дарахт қачон экилган, ўзи?

Нуроний бир отахон урушдан кейинги йилларни хотирлайди:  
 — Оналаримиз уззу-кун далада бугдой ўрми билан банд. Бизлар укаримизни овутиш учун нукул Сайфуллабевнинг уйи ёнидаги олмуруд дарахтига тирмашиб чиқардик. Пишган-пишмаган меваларидан териб, очикқан ука-сингилларимизнинг қоринини алдардик. Мевалари хомилгадиям жуда ширин бўларди. Аслида бу олмуруд дарахтини Сайфуллабевнинг оталари Сайдулло ҳожи экиб кетган экан. Ҳўб жаннат одам экан-да, экан дарахти ўзидан кейин ҳам юз йилча ҳосил берди...

Танаси гадир-будир, шохлари энгилброк қолган бу дарахтга тикилиб қоламан. Ажаб, худди инсон каби дарахт ҳам бир мўъжиза. Унинг-да ўз сир-синоати, қонуниятлари, ҳаёт тарзи бор. Меҳр-муҳаббат ва эътибор инсонга қанчалар керак бўлса, дарахт учун ҳам шунчалар зарур.

Бир вақтлар қишлоқликлар оғир йилларда олмуруднинг меваларидан умид қилган тўфайли балки ўша дарахт тинмай ҳосил бергандир? Одамларнинг меҳри ва эътиборидан куч олган бу дарахт балки юз йиллардан буён яшаб келаётгандир.

### Боғ учидан "дорихона"

Аждодларимиз шифобахш ўсимликлардан тортиб, мевали ва манзарали дарахтларга, барчасини эҳтиётлаб, асраб келган. Дарахтларни фақат парваришласандан янги-янги навлар яратиб етиштирган. "Бобурнома"да ёзилишича, Бобурдек улуг ҳукмдор

ҳам ўзи қароргоҳ этган жойларда боғ бунёд қилиб, сув йўллари ўтказиш режаларини тузган экан!

Бобом биз набираларига "Бир туп тут эксанг, юз йил гавҳар терасан!" деган мақолни кўп таъкидлардилар.

### Эл обод — дил обод

ёрлаб, қишлоқдаги ҳамма уйларга тарқатиб чиқарди. Шамоллаган болалару кексаларга ёзу қиш қувват бўларди, бу шинилар!  
 Дорихона қаердалигию дори нима-лигини билмасдик. Томоғи оғриган кишига беҳини чўкка кўмиб едирилди,

## БОҒ ВА УМР

йўтал тутганда эса уруғи қайнаиб ичи-ларди. Жийда пўстлоғи солиб дамланган чой ошқозони заиф кишиларга фойда қиларди.

Хуллас, ҳар бир уйнинг табиби бор эди. Қаҳратон қишда ҳам дастурхонларимизда жийда, тутмайиз, ёнғоқ, туршак, олча қоқи, узум ва тут шинилари бўларди. Хўлу қуруқ мевалар сероблиги боис, дўқондан ширинлик сотиб олишга ҳожат қолмасди...

### Табиат она каби саҳий!

Фарзанд она бағрида ором олгани каби биз ҳам табиат қучоғида яраймиз, унинг меҳрини ҳис этамиз, бутун юрагимиз билан унга боғланамиз. Истиклолнинг илк йиллариданоқ республикамизнинг барча гўшаларида боғ ва тоқзорлар барпо этилишига алоҳида эътибор берилди. Хар йили кўклам арафасида маҳаллау гузарлар, қорхона ва ўқув муассасаларига кўчат ўтказиш урфга айланди. Аммо, барибир она табиатга таҳдид соладиган омиллар кўпайгандан кўпаймоқда.

Йигирманчи аср бошларда биосфера ҳақидаги таълимотни кашф этиб дунёга танилган академик Вернадский: "Инсоният табиат муҳитини

бузувчи, ўзгартирувчи, қайта тузувчи улкан геологик кучга айланади!" деган экан. Не ажабки, вақтлар ўтиб ушбу башорат рости чиқди. Йиллар давомида табиатга етказилган озорлар эндиликда инсониятнинг ўзини ҳам азобламоқда!

Шундай экан, гап яна дарахтларга келиб тақалади. Чунки, дарахтлар соя-салқинлиги, мева беришидан ташқари йил бўйи бизни чанг ва губор-

Халқимиз ёнғоқни "Луқмон дарахти" деб атаганлар. Олимлар эса бу дарахтни "ҳаво фабрикаси" деб ҳам баҳолашади. Негаки, у тоғ минтақаларида табиатга етказилган озорлар олади, микроклиматни яхшилаб, микро-ларга қарши қирон келтиради. Бу жиҳатдан арчаларнинг ҳам фойдаси катта. Тоғликларнинг фикрича, ҳар бир арча битта қудуқ билан тенг, у қишда қорни, ёзда намни яхши сақлайди.



### Арчазорлар бизнинг тоғларимиз кўрки, демак уни экиб кўпайтиришнинг хосияти ўзгача.

Қадимий боболаримиз "етти ўлчаб бир кесадиған" ақли, доно кишилар бўлишган. Қайсики хонадонда қиз фарзанд туғилса унга атаб мевали дарахт, ўғил туғилса терак экишган. Хонадон эгаси терак қаламчаларини ўтказиб мана шу тераклар катта дарахтга айланиб, уйларга устун бўлсин, дейишаркан.

"Умид билан суклган таёқ, бир кун берар меваю япроқ," Бу ҳикматни айтиб кетган улугларнинг ўзлари асл бобону соҳибкор бўлишган. Биз уларга муносиб издошлар бўлмоғимиз лозим. Ахир она тупроқда унган ҳар чўлу ҳасни азиз билсак, табиий ўт-ўланларнинг кўпайишига имкон берсак, дарахтларни меҳр билан парваришласак, кўп йиллар соғу омуни яшашимиз учун қулай имкон яратган бўлаемиз.

Қолаверса, келгуси авлод ҳам бундан бахраманд бўлади.  
 Табиатни асраш муқаддас бурчимиз. Мен айна шулар ҳақида ўйласам қишлоғимиздаги ўша олмуруд дарахти яна кўз ўнгимдан ўтавереди. Агар ҳар бир меҳр берган дарахтимиз ўша олмуруд каби юз йиллар яшаса, ўзимизнинг ҳам умримиз янада узаярмиди, деб ўйлайман.

### Гулчеҳра ЖАМИЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

## БАДИИЯТ ВА ҲУҚУҚ УЙҒУНЛИГИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тўпلامдан француз адабиёти классиклари Мольер, Жан де Лафонтен, Жан-Жак Руссо, Оноре де Бальзак ва япон адаби, Нобел мукофоти совриндори Кобо Абэ асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималари жой олган. Таржималарни саралашда тузувчи ва муҳаррир мутаржимлар маҳоратига алоҳида эътибор қаратишган. Китобга Ойбек, О.Шарафиддинов, Ҳ.Шарипов, Қ.Мирмуҳамедов, М.Мирзоидов, О.Мухтор, М.Маҳмудов, Э.Эрназаров, П.Усмон каби адиб ва таржимонлар томонидан ўғирилган асарлар танлаб киритилган. Айти пайтда, ҳар бир адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида А.Саидов томонидан мазмунли сўзбошилар ёзилган, таржималар изохлар билан таъминланган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, профессор Акмал Саидов ўзбек адабиётшунослигида ҳали қўл урилмаган янги йўналишга йўл очди. Жаҳон адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётда инсон ва ҳуқуқ мавзусини, бу мавзу бадиий образларда қай тарзда талқин қилинганини таҳлил этиш орқали янги соҳани бошлаб берди.

Китобда асарлари киритилган муаллифлар ҳаёти ва ижоди хусусида сўз юритадиган бўлсак, Мольер ва Лафонтен тенгдош, замондош ёзувчилар. Иккала адиб ҳам ёшлигида ҳуқуқшунослик бўйича таълим олган, юрист дипломига эга бўлишган. Тўпلامдаги Мольер ва Лафонтен фаолиятига бағишлаган мақолаларда муаллиф улар ижодининг айнан шу жиҳатларига кенгроқ тўхталган.

Дарҳақиқат, Мольер ва Лафонтен яшаган давр Францияда монархия ҳукм сурган, яъни Людовик XIV қироллиги даври бўлиб, мустабид тузумни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқлар қирол ва унинг саройи амалдорларига хизмат қилган. Бадиий адабиёт ва санъат эса классицизм (қадимий юнон ва рим адабиётга таассуб қилувчи — **М.Х.**) қўлиларига бўйсунуши лозим эди. Шу боис, бу давр француз адабиётда Корнел ва Жан Расин трагедиялари шухрат қозонган, қирол ва унинг академияси томонидан олқишланган. Мольер комедиялари шухрат қозонмаган, уларга паст назар билан қаралган. Лафонтен масалари борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Бироқ Мольер ўзининг "Тартоф", "Зураки табиб", "Дон Жуан" каби комедиялари билан паст жанр деб қаралган комедияни юксак жанр ("dell'arte") қаторига олиб чиққан. Қолаверса, бугун дунёга машҳур "Комеди француз" театрига эса замонда асос солинган. Лафонтен эса ўз масаллари билан дунё адабиётда юнон Эзоп ва римлик Фаблдан сўнг кенг эътибор қозонди.

Китобнинг учинчи қисмига француз маърифатпарвар адабиётининг йирик вакили Жан-Жак Руссо ижодидан намуналар киритилган. "Дарҳақиқат, бошқа маърифатпарвар мутафаккирлар қаторида, — дейилади сўзбошида, — Жан-Жак Руссо француз инқилоби, конституциявий ҳуқуқ, замонавий сийбас, тафаккур, ҳуқуқий кўрсатмалардаги қонуннинг ўрни ва концепциясига катта таъсир ўтказган". Бу фикрнинг тасдиғига Руссо қаламига мансуб "Манзур бўлиш санъати" (О.Шарафиддинов таржимаси), "Халқ бахти ҳақида" (А.Абдуқодиров таржимаси), "Илим-фан ва санъат раванга ахлоқнинг покчилиғига ёрдам берадими?" (А.Абдуқодиров ва М.Маҳмуд таржимаси) сингари асарлар таржимасида ҳам гувоҳ бўламиз. Шунингдек, Руссонинг фалсафий, маънавий ва маърифий мавзудаги ҳикматлари ҳам ўзбек тилига таржима қилинган. Китобга бадиий асарлар таржимасида ҳам гувоҳ бўламиз. Шунингдек, Руссонинг фалсафий, маънавий ва маърифий мавзудаги ҳикматлари ҳам ўзбек тилига таржима қилинган. Китобга бадиий асарлар таржимасида ҳам гувоҳ бўламиз. Шунингдек, Руссонинг фалсафий, маънавий ва маърифий мавзудаги ҳикматлари ҳам ўзбек тилига таржима қилинган.

Китобнинг тўртинчи қисми машҳур француз романисти Оноре де Бальзак ижодида бағишланган. Сўзбошида таъкидланганидек, ёзувчи "Тарихчилар томонидан унутилган тарих, яъни ҳулқлар тарихини ёзиб чиқишга мўъссар бўлган". Бу қисмга ёзилган сўзбошида Бальзакнинг ҳуқуқий тафаккури кенг қамровли ва кўп қиррали эканлиги, айрим асарларида эса хусусий ҳуқуқ (фуқаролик ҳуқуқи) ва маъмурий ҳуқуққа оид қарашлари ақлоқ акс этгани таъкидланади. Шунингдек, сўзбошида муаллиф ўттизга яқин манбалардан иқтибослар келтирганки, бу ҳам адиб ҳаёти ва ижодига оид маълумотларнинг ўқувчига ишонли тарзда етиб боришида қўл келади.

Китобнинг охириги бешинчи қисми машҳур япон адиби Кобо Абэ ижодида бағишланган. Жумладан, адибнинг "Худди одамдек" киссаси Эркин Эрназаров томонидан таржима қилиниб, ушбу китобга киритилган. Шунингдек, ёзувчи дунёқарашини ифодалаган тўқсондан зиёд ҳикмат ўзбек тилига ўғирлиб, ўқувчи эътиборига ҳавола қилинган.

Профессор Акмал Саидовнинг сўзбоши ўрнида ёзган мақолалари ва изохлар билан таъминланган "Жаҳон адабиёти дурдоналари" туркумининг биринчи жилди тез фурсатда ўз ўқувчисини топшишига ишонамиз. Айниқса, бу китоб олий ўқув юртинларининг филология ва ҳуқуқшунослик факултетларида тахсил олаётган талабалар учун муҳим қўлланма вазиғасини ўтатишига ишончимиз комил.

Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ, филология фанлари доктори, профессор

18 май — Халқаро музейлар кунини ҳар йили республикамизда кенг нишонланади. Байрамга бу йилги тайёргарлик Навоий вилоятининг Сармишсой табиий археологик музей-қўриқхонасида илмий-амалий семинар билан бошланди. "Ўзбекистон музейлари истиқболлари" мавзусида ўтган мазкур тадбирда Навоий вилоятидаги музейлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мустақиллик экспозицияларини яратиш ва музейлар фаолияти самара-

вазифасини бажарувчи Баҳодир Аҳмедов музейларнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни, мустақиллик йилларида музейларга берилаётган эътибор ҳақида гапирди. "Айни пайтда жуда кўп музеейларида э й л а р д а курилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти, — деди Б.Аҳмедов ўз сўзида. — Йилдан-йилга музейларимиз экспонатлари бойиб бормоқда. Зеро, музейлар ва улар-

## ХАЛҚ ТАРИХИ КЎЗГУСИ

дорлигини ошириш ҳақида маърузалар тингланди. Шунингдек, Сармишсой табиий археологик музей-қўриқхонаси ва бошқа меъморий ёдгорликларга саёҳатлар уюштирилди. Бундай тадбирлар юртимизнинг барча музейларида ўтказилди. Шу кунини барча музейлар аҳолига бепул хизмат кўрсатди. Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи ва И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон санъат музейларида "Музей оқшоми" суҳбатлари уюштирилди.

Шубҳасиз, бу каби тадбирлар ёшларни она юртга муҳаббат, азалий қадриятларимизга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларда ўз маданият меросини асраш туйғулари шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтказилган анжуманга юртимиз музейларида фаолият олиб бораётган соҳа жонқуярлари, музейшунос мутахассислар, зиёлилар, жамоатчилик вакиллари ҳамда талаба-ёшлар йиғилдилар. Тадбирни очган Маданият ва спорт ишлари вазири

### Тадбир

даги ҳар бир буюм бизни ўтмиш билан боғловчи маънавий хазинадир".  
 Анжуман доирасида музей соҳасида ютуққа эришган соҳа вакиллари кўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Музей — халқ тарихининг кўзгуси" кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди. Танловга тақдим этилган эллиқдан зиёд ҳужжатлар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилди. Танталани маросимда турли йўналишдаги ўн иккита номинация бўйича ғолибларга дипломлар ва совғалар топширилди. Жумладан, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи "Йилнинг энг яхши музейи", Абдулла Қаҳҳор номидаги уй-музей "Йилнинг энг яхши уй-музейи" деб эътироф этилган бўлса, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова энг фаол музей раҳбари сифатида тақдирланди.  
 Тадбир сўнггида Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси музей жонқуярлари учун "Кўнғил" спектаклини намойиш этди.

## ИСТЕЪДОДЛАР АНИҚЛАНДИ

Самарқандда Ёзувчилар уюшмаси томонидан «Истеъдод мактаби» VII семинарининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Бухоро, Навоий ҳамда Самарқанд вилоятидан йигирмага яқин ёш ижодкорларнинг «Биринчи китобим» лойиҳаси бўйича тақдим этган ижод намуналари кўриб чиқилди.

Хозирги кунда «Истеъдод мактаби» семинарининг мунтазам ўтказиб келинаётгани, «Биринчи китобим» лойиҳаси асосида кўпгина иқтидорли ижодкорларнинг илк китоби чоп этилаётгани, адабиёт майдонига янги овозларнинг кириб келаётгани аниқ ҳақиқат. Мазкур минтақавий семинарда кўзланган мақсад ҳудудларда қалам тебратаятган ёш иқтидор эгалари, янги истеъдодларни аниқлашдир.

— «Навоий ёшлари» газетасида ишлайман, — дейди Дилноза Абдуҳамидова. — Семинарда бадиий публицистика йўналиши бўйича иштирок этдим. Мақола ва шеърларим марказий нашрларда эълон қилинган. Бошқа вилоятда ижод қилаётган тенгдошларим билан танишиб, фикр алмашдим, бадиий адабиёт, ижод ҳақида суҳбатлашдим.

Семинарда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, таниқли шоир-ёзувчилар, таржимон-публицистлар ёш ижодкорларнинг асарларига ҳолис баҳо бердилар, ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилди.

Тадбир иштирокчиларига Ёзувчилар уюшмаси томонидан китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Исомиддин ПҮЛАТОВ

## КАТТА САҲНАДА "ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ"

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида «Истиқлол ёшлари» халқ чолғулари камер оркестрининг концерти бўлиб ўтди. Истеъдодли ёш дирижёр Камолддин Азимов етакчилигида ташкил этилган жамоа учун бу катта саҳнадаги биринчи тақдимот дастурига айланди. Эътиборли жиҳати, оркестр консерватория талабалари, Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган академик лицейи ўқувчилари ҳамда ёш созанда-ижрочилардан таркиб топган. Уларнинг деярли барчаси халқаро ҳамда республика миқёсидаги танловларнинг совриндорларидир.

Концерт дастури барча севган, халқчил асарлардан тузилганлиги боис мухлисларда яхши тасаввур қолдирди. Улар жаҳонга машҳур композиторларнинг асарлари билан бир қаторда К.Азимов басталаган ижод намуналаридан ҳам бахраманд бўлишди. Айниқса, М.Бафоевнинг «Дутор нақши», М.Мақсимнинг «Куй», И.Ақбаровнинг «Қайдасан?», Ф.Лейнинг «Муҳаббат тарихи» каби муסיқий асарлар мухлислар эътирофига сазовор бўлди. Шунингдек, халқаро танловлар совриндори, истеъдодли ёш оҳангда Фахриддин Туронов ижросидаги кўшиқлар кечага ўзгача фойз бағишлади.

Мадина ТУРҒУНБОЕВА

Замонавий ўзбек адабиётининг забардаст вакили Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек асарлари бугун ҳам севиб ўқилмоқда, ўрганилмоқда. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида "Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти" мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман фикримизни тасдиқлайди. Тадбирни очган институт директори, профессор Низомиддин Маҳмудов адиб шахси ва ижоди ҳақида, ЎзФА вице-президенти, профессор Баҳром Абдуҳалимов ёзувчининг ижтимоий фаолияти хусусида сўзладилар.

Профессор Н.Каримовнинг "Абдулла Қодирий ва Ойбек", академик Б.Назаровнинг "Адиб маҳоратида бадиий тағқатлам ва эстетик идеал муаммоси", филология фанлари номзоди С.Мелиевнинг "Истиқлол ва "Қутлуг қон" номли маърузалари адиб

ижодини баҳолашдаги ҳолис мезонларини, шахси ва ижодининг уйғун жиҳатларини очиб беришга қаратилди.

### "Учиб ер тишлайди бир гала япроқ, Сасида кўёшини, баҳорнинг ёди.

Профессор У.Норматов ва У.Ҳамдам Ойбек лирикисининг нафосати ва гўзаллигини шеърлари, достонлари таҳлили асосида кўрсатиб беришга ҳаракат қилишди.

### ЎЗИГА ХОС ЭЪТИРОФ

Адибдан бизга нафақат гўзал шеърлар ва насрий асарлар, балки катта илмий мерос ҳам қолган. Профессор А.Сабриддинов маърузасида унинг адабий-эстетик меросини шартли равишда учга: ўзбек мумтоз адабиёти ва XX аср ўзбек адабиёти намоёндалари ижоди ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари таҳлиliga бағишланган мақолаларга ажратиб, бадииятга доир қарашларининг ўзига хослигини эътироф этди.

Реклама бирор маҳсулот, хизмат кўрсатиш тури ҳақида кенг оммани хабардор қилиш мақсадида тарқатиладиган ахборот саналади. Реклама матнларига қўйиладиган ўзига хос талаблар ҳам маъвуд. Агар уларга амал қилинмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин кечади. Бундай

рекламаларда тасвир инсонга ҳар қандай далил-исботдан кўра, аниқроқ маълумот беради.  
 Кўпгина кўрув рекламаларида оммага ҳавола қилинаётган маҳсулотнинг энг яхши хусусиятлари, афзалликлари яширинча ифодаланадики, бундай афзалликларни реклама билан танишувчи идрок этиш, тафаккур қилиш орқали билиб олади. Бироқ бу ўринда мантиқ бузилса, рекламаларнинг мазмуни ўта мавҳумлашиб, моҳият жумбоқлига қолади. Масалан, қуйидаги реклама матнига эътибор қилинг: "Россияда ўзбек тилида гапира олишадими? Ҳа! Одамлару одамлар! Эшитмадим деманлар! Энди WESTERN UNION маълумот бериш хизматига пул ўтказмалари тўғрисидаги ҳар қандай

савол ўзбек тилида! Россия бўйича барча кўнғироқлар бепул! WESTERN UNION yes!"

Мазкур рекламада ўзбек халқ латифалари устаси Насриддин Афандининг ўзбекча тўн ва дўпни қийиб, эшакка миниб олиб, ўнг қўлида уяли телефонда гап-тавлади. Ранглар истеъмолчи сезгисига, кайфиятига жиддий таъсир кўрсатди, идрок этиш, тафаккур қилиш самардорлигини оширади. У реклама қилинаётган маҳсулотни ёки хизмат кўрсатиш турини амалий томондан тасвирлашга кўмаклашди, қадоканган маҳсулотнинг чиroyли тасвири истеъмолчиға хуш кайфият бағишлаб, унда фикр уйғотади.

### ШАҲАР МАРКАЗИДА НАСРИДДИН АФАНДИ...

Ранглар реклама логотиплари, рамзларининг яратилишига ҳам ёрдам беради.  
 Халқимизнинг миллий гурурини, фаҳрини ифодаловчи визуал рекламалар қўллаб учрайди. Аммо баъзида юқоридагидек ҳолатлар ҳам учраб турадики, бу ҳар қандай истеъмолчининг таъбини хира қилиши табиий. Маҳсулот рекламаларида ҳам миллий гурур, ҳам қадриятларнинг акс этиши ва кўзга ташланиб туришини соҳа мутахассислари назорат қилиб боришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Неъмат МАҲҚАМОВ, Ориф ЖУМАЕВ

Жуманиёз ЖАББОРОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

# СЕВТИМ ИЗҲОРИ ЭЛИМ

Яқинлар йироққа интиладилар,  
Кечалар чироққа интиладилар,  
Томчилар ироққа интиладилар,  
Тўлқинлар қирғоққа интиладилар,  
Мен сенга интилиб яшайман, элим!

Шу юрту шу элга жон бўлсин нисор,  
У — бизга абадий қувонч, ифтихор,  
Севгимни ўзинга этурман изҳор,  
Тимсолдир шу юртга ой юзля нигор,  
Ўзалим, ғазалим, танҳо сеvgилим!

Бу Ватан, бу сеvgи — Оллоҳдан тортиқ,  
Не бордир дунёда бу бахтдан ортиқ,  
У — менинг жаҳоним, муқаддас борлиқ,  
Олий ҳис, тафаккур, умримга Ёрлиқ,  
Барин акс эттирар бой она тилим!

## НАВРЎЗ КЕЛИБОН

Наврўз келибон, жумлажаҳон нозланажақдир.  
Офтоб қизитиб, аста-секин ёзланажақдир.

Яшнар табиат, дашту адир лола ичинда,  
Юртим — чаманим ўзгача пардозланажақдир.

Ироқ куладир, елга ўич берса бинафша,  
Майса кўён тафтида таннозланажақдир.

Бир лаҳза эшит қумрию булбули навосин,  
Шўх-шўхтаралиб, ялаю шаҳнозланажақдир.

Қайнар сумалак, варрак учар, тўю томоша,  
Диллар қувониб, соз ила парвозланажақдир.

Жавлон уришар давра тузиб неча йигитлар,  
Қизлар безаниб, ҳусн ила мумтозланажақдир.

Дунёда одам қадри баланд, севса Ватанин,  
Юрт ичра яна ҳурмату эъозланажақдир.

## НАВОИЙ ДУНЁСИ

Бул кеча кездим ғазал дунёсида,  
Ҳазратим шеърин гўзал дунёсида.

Сарв қадларин тамошо айладим,  
«Чор девон» мулкин асал дунёсида.

Ёр жамоли томчида офтоб эди,  
Сайр қилдим минг Зуҳал дунёсида.

Чехралар гул-гул ёнур, кўзлар хумор,  
Яйрадим ишқу амал дунёсида.

Одатда «Ота-онангиз ҳаётми?», деб сўрашган-  
да, «Ха» десангиз. «Давлатманд одам экансиз» де-  
йишадди ҳавас билан.

Оиламиз катта эди. Бобом, момом, амаким, етти  
фарзанд, қариялар яшайдиган хонадонда бўлади-  
ган узлуксиз келди-кетдилар. Шу катта хонадонда  
онам — ягона хизматкор эди. Нон қилсалар, кич-  
кинтойлар учун албатта кулча ёпилар, қиш кунлари  
эрталаб турсак, уч офтоба илиққина сувга тўлиб,  
мактабга қиядиган пойафзалларимиз гиштин печ-  
нинг гирдида ювилган, тўшукларига юмшоқ лат-  
талар тикилган ҳолда иссиққина бўлиб турарди.  
Орадан қанча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам ана шу  
пойафзалларни эсласам оёқларимда ажабтовур  
ёқимли ҳароратни ҳис қиламан.

Сал улғайиб, ёнларига кириб юмушларга ёрда-  
мим тегадиган бўлган, укаларим бир амаллаб йи-  
ғиштирган жойларимни бир пасда тўзғитиб таш-  
лайверишидан нолисам, онам «Қизижоним, сен

Жамила ЭРГАШЕВА

# ҒАҶИМАТНИМ ОНАМ

буларнинг юмушларини суюниб-суюниб, суйиб-  
суйиб қилгин, эрта-индин беш онанг — беш кўр-  
гонинг, синглинг — меҳри дарё ғамғусоринг бўла-  
ди», дердилар.

Энди ўйлаб қарасам, онагинмангиз зиммасида  
не юмушимиз бўлса, ўзимизни суйгандек ишимиз-  
ни ҳам суйиб қилган эканлар.

Онам ҳеч қачон «Бу иш эркакнинг, бу аёлнинг  
вазифаси» деб юмуш ажратган аёл эмас. Ўзлари  
чевар аёл, бир умр элнинг кийимини тикиб, гила-  
мини тўқиган.

Меҳмонга бориб келишса, отам раҳматлик кў-  
либ-қулиб, момомга гурунч берарди: «Эна, ошхўр-  
га ош, ишхўрга иш йўлиқар, деганлари рост экан.  
Бунингиз ўлиб тандирга қолип қазди (ёки кийим  
тикти), мен ош едим», дер эди.

Иш билганга ҳам кийин-да, онамни кўрганда  
одамларнинг битказ олмай турган ишлари эсига  
тушиб қолаверган. «Яхшиям келиб қолдингиз, тан-  
дирим тўқилиб қолган, бир қолип қазадиган одам  
топмай юрган эдим, сиз бошлаб беринг, мен овқ-  
атга унай», деган, шу билан онагинмангиз этаклари-  
ни липпасига уриб, қолип қазашга тушиб кетган.  
Ўзи танга аёл, қуч-ғайрат бор, бошлаган иши-  
ни чала қолдирмай деб, ош пишгунча ғайрат бил-  
ан қолипини охиригача қазиб берган.

Оиламиз ўртаҳол эди. Отам оддий ишчи, онам  
мактабда фаррош бўлиб ишларди. Тиктиришга  
олиб келишган чиройли газмоллардан баъзан пар-  
ча-пурча ляхтаклар ортиб қолса, синглим иккала-  
миз диққилар эдик: «Она, шуни олиб қолайлик,  
эгаси билкиб ўтирибдими?». Онам халиги ляхтак-  
ларни шартта қўлимиздан қилиб олларди: «Киши-  
нинг ҳақи Тангрининг ўти. У дунёда мен бунинг  
жавобини беришим керак. Агар эгасига қайтар-  
масам, бу қийимлар у дунёда илонга айлиниб  
мени қувиб юраркан».

Онамга ҳамма ҳавас қилади: «Ҳамма фарзанд-  
лари ўқимлиши, меҳр-оқибатли. Ўзлари ҳам сак-

сон ёшдан ошган бўлсалар ҳам, на гапидан, на  
йўлидан адашмаган. Қайтамга тикиш қилиб, ҳам-  
маннинг хожатини чиқариб ўтирибди, бизга ҳам шу  
кишининг йўлини берсин», деб биров бошларига  
рўмол, биров елкаларига бир кийимлик сарпо таш-  
ласа, «дод» деб, берганларини қайтариб ташла-  
ди: «Йўқ-йўқ, менинг тўримдан гўрим яқин, мени  
қарздор қилманглар».

Онамга «Бу қарз эмас, буларга ҳовуч дуо бер-  
сангиз бўлди. Ўзлари рози бўлиб беришган нар-  
са қарзга ўтмайди», деган гапни ҳеч тушунтира  
олмадим.

Онамнинг уйлари кўшни аёллар учун кўнги-  
л бекати. Биров тўрт оғиз суҳбатларини олиш учун,  
бирок бир оғиз маслаҳат сўраб, биров ўзи эглай  
олмаган тикиш-бичишини кўтариб бораверди.  
Бахонада қанча гурунч!.. Бир ўзимдан ортиб бор-  
ганимда олдиларида ўтирган кўшни аёлларни  
қўриб, тўғриси ҳафсалам пир бўлиб кетади. Қаний-  
ди, улар ҳам «Хой, манами кампирнинг қизи ке-

либди, она ва қизнинг бир-бирига айтадиган гап-  
лари бордир», деб кўзгала қолишса, йўқ, ўтираве-  
рилади.

Бир сафар онамдан йигирма ёшлар кичик бир  
қўшни аёл узилиб кетган маржонни кўтариб чи-  
қибди: «Она, шуни тузиб бермансангиз, ҳеч кўзим  
ўтмаяпти».

Ўзи ошга тушган пашадек бўлиб, бемаврид  
кириб келганига ғашим келиб ўтирганди, қақиб ола  
қолдим: «Боласи тенги бўлиб сизнинг кўзингиз  
ўтмаганда, саксон ёшдан ошган онамнинг кўзи  
ўтадими?». Аёл заррача ҳам хижолат бўлмади,  
мендан кўпроқ кириб-чиқиб юрган эшиги-да, онам-  
нинг фўларини билади, худди ўз онасига эрка-  
лик қилаётгандек нозланиб,  
маржонни онамнинг олдига  
ташлади: «Онам йўлини била-  
ди». Онам ҳам маржонни олиб,  
у қилди, бу қилди, ипларни хомитди, пишитди, иш-  
қилиб бир пасда беш қатор дурни тузиб, қўшни-  
нинг олдига ташладида, ўз-ўзидан мамнун жил-  
майиб, менга қаради: «Ишинг ўзини эмас, кўзи-  
ни билиш керак». Халиги аёл маржонни тақиб  
олган, халтасидан бир шим чиқарди: «Укангиз бир  
шим олган экан, пича узун келди, тўрт энлилар  
кесиб, шуниям ғириллатиб бир юриб беринг, опа-  
жон. Ўзим қиламан, десам, қуриб кеттур чол, қўйма-  
ди, бузиб қўясан, шу опага олиб бор, дейди. Мен  
ҳам вақтида не бир тикишлар қилганман, бир ўти-  
ришда тўрт қизимга тўрт қўйлақни тикиб, сўнг тур-  
ган пайтларим бўлган. Бу кишим бўлса, менинг  
ишимдан кўнгли тўлмайди».

Онам «ғириллатиб» бергандан сўнг ҳам олам-  
жаҳон вақт ўтириб, ниҳоят менинг қовоғим уйла-  
вергач, эрка қўшни ўрнидан турди. Кун шомга  
қараб йўл олган, менинг вақтим соб бўлган эди:  
«Она-ей, шу хотин бир ўтиришда тўртта қўйлақни  
тиккан бўлса, мен осмондаги ойни олиб айвонимга  
осиб қўйганман. Бир умр савдода ишлаб, тангани  
тангага уриб, пул қилишдан бошқа ишга вақт аж-  
ратмаган хотин-ку бу. Индамай, ёлгон мактабиш-  
ларини эшитиб ўтирасиз-ей». Онам қўл силтайд:

## Тирик сатрлар

Иқбол, умид, интилиш, армон  
Ақл билан бошқарилади.

Фақат сеvgи бепойн нақл,  
Замонларга сизмас машқлари.  
Изҳорига етмагач ақл,  
Юрак билан бошқарилади.

## ТОНГ ОТУР

Тонг отур, шарқдан ажиб нурлар келур,  
Нур билан осмон тўла ҳурлар келур.

Навбахорий шуъладан яйрар кўнги-  
л, Кўп майин охангу «қур-қур»лар келур.

Ям-яшил водийларим бахмал кийиб,  
Майса, гул бўйини безаб дурлар келур.

Гоҳ-гоҳ шаддодланиб, шарросланиб,  
Кут-барокат қони — ёмгурлар келур.

Навбахор айёми ишрат чоғи деб,  
Соғиниб дўстларни Бобурлар келур.

## ТЎРТЛИКЛАР

Қоғоз чехрасида олам акс этар,  
Олам ҳақиқатин қалам нақш этар.  
Ўзбекистон деган бойлик кўркини  
Саховат уфурган далам нақш этар.

Майли Арасту бўл, майли Софокл,  
Зўр ижодлар ярат, яйра, сафо қил.  
Агар самоларга етса-да бошинг,  
Кўнгилини кибрдан соф-мусаффо қил.

Ватандир қалбинга абадий гурур,  
Дилингда қувату кўзларингда нур.  
Агар жаҳон ичра мен борман десанг,  
Диёринг тупроғин кўзларингда сур.

Икки одам яшар ҳар бир одамда,  
Бири дер: — Бу дунё фароғатин қил!  
Бири дер: — Яхши из қолдир одамда!  
Рост йўлни тутганлар ҳақиқий оқил.

*Ж.Жабборов (1930-2010) «Ватаним-  
ни қўйлайман», «Баҳор нафаси», «Мақ-  
сад йўлида», «Она ер қўшиғи», «Субҳи-  
дам хаёллари», «Эътиқод» сингари  
қўлаб шеърин китоблар, таржима ва  
Ватан мадҳи ҳақидаги машҳур қўшиқ-  
лар муаллифи.*



«Киши айбин кўрмоқ бору, демок йўқ, қизим. Эши-  
гимдан етмиш икки томири эгилиб келиб ўтириб-  
ди, қандай юзидан оламан».

Тўнғич неварам тўққизга кирди, кейингиси етти  
ёшда. Онагинмангиз уларга чиласи чиққунча бири-  
чи чопонни қавиб кийгизган эди. Шундан бери  
хар икки йилда битта пахталик нимча, битта тўн  
қавиб беради.

«Кўйинг, онажон! Бозор тўла чопон, кўзингиз-  
нинг нурини аясангиз-чи», дейман ичим ачиб. «Ай,  
болам-а, қўлимдан келаркан, қилаялман. Бозор-  
нинг чопони мен қавиган чопондек бўлармиди?  
Орасига ватин солган, мен юмшоққина пахта сол-  
дим, бу пахталарга қанча қуёш нури синган, дух-  
тирлар уни даво, дейди. Буларни невараларинг  
кийиб, ёнимга келганда қанча қувонишимни сен  
тасаввур ҳам қила олмайсан. Шундай аёллар бор,  
на эрига, на болаларига умрида бир тўн қавиб,  
кийгизса олмайди. Худого шукур, отангга  
неча тўн қавиб кийгиздим, болаларимга, не-  
вараларимга, энди чеварларимга ҳам тўн  
қавиб кийгизиб насиб қилди. Бекор ётган-  
дан кимга наф. Кимгадир фойданг тегиб турганга  
нима етсин». Хар доимгидек онам ҳақ.

Йиллар ўтган сайин онамизнинг биз фарзанд-  
лар учун нечоғлик катта давлат ва ғанимат бахт  
эканини чуқурроқ ҳис қилиб бораётган бўлсам-  
да, мени шиддат билан илгарги олиб кетаётган ҳаёт  
ташвишларидан узилиб, ҳа деганда иззатларига  
етавермайман. Хар кун эрталаб аҳвол сўраб, бир  
кўнғироқ қиламан: «Соғ-саломатмисиз, онажон?».  
Онамнинг овози ҳаммаша ўқтам ва шодон жаран-  
лаб туради: «Раҳмат, болажоним. Ўзинг яхшим-  
сан?.. «Ке-етадилар шу билан... Бир бошдан ҳам-  
маннинг аҳволини сўраб чиқадилар, кеча уйлари-  
га кимлар келди, қандай ахборотлар берди... Менинг  
эса вақтим!..»

Хар қандай ҳолатда ҳам сени кечиршини бил-  
ган одамнинг қаршида хар доим ҳам андиша қилиб  
ўтирмайсан. Кўпича иложим етганча «Ха, хўп» деб  
тураман, баъзан гапларини шартта бўлиб, «Она-  
жон, шовиб турган эдим», деб шу кунги фарзанд-  
лик вазифамни ниҳоялаб қўя қоламан. Ва онам ме-  
нинг бу беадаблигимдан сира хафа бўлмайди, ак-  
синча хижолат тартади: «Майли, болам. Ўзингга

# ОҚ ЙЎЛ, ЖАМОЛЖОН!

Яхши шеър хар кун ёзилмай-  
ди. Яхши шоирлар ҳам хар кун  
туғилавермайди. Устозларнинг  
жуда ҳам жўяли лутфи бор: Ўзбек  
адабиёти, ўзбек шеърини захи-  
раси битмас-туганмас олтин ко-  
нига ўхшайди. Олтин қонидан эса  
бошқа маъдан чиқмайди — фа-  
қатгина олтин чиқади. Ёш ҳавас-  
кор укамиз Жамолиддин Ҳикма-  
тнинг шеърини машқларини ўқиб,  
муҳтарам устозларимизнинг  
юқоридаги ёмби ҳикмати беих-  
тиёр ёдга келгани бежиз эмас.

Бир қараганда жуда оддий,  
жўн гапдек туюладиган бу шеър-  
ий машқларни машқ дегингиз  
келмайди. Улар, катта шоирлар  
айтиб, кўрсатиб кетганидек — ёзилмаган, юракда, кўнгида рўй берган, сохта-ёлгон эмас,  
рост ва самимий. Сатрлар, шеърини қаторлар ортидан андигина ўн олтига қадам қўйган ёш  
муаллифинг хайрат тўла кўзлари пирпираб қараб тургандай. Озроқ мутуйба, зарофат  
ва заргарлик ҳам ёт эмас. Тўртликлар, ҳатто мумтоз шеърятимизнинг мурақаб жанрла-  
ридан саналимиш туюқни ҳам ўқиб — бу хислатлар Жамолжоннинг қониди, юрагида она  
сути билан бирга жо бўлганига ишонч ҳосил қиласиз.

Жамолиддиннинг энг яхши кўрган машғулотини — китоб ўқиш ва шеър ёллаш. Ўзи яхши  
кўрган шоирлардан, мумтоз шеърятимиздан беш юздан зиёд шеър ва ғазалларни ёддан  
айтиб бера олади. Ўзи меҳнаткаш йигитча — отасининг дала-томорқасида ҳам кетмон  
уришни қанда қилмайди. Яқинлари, синфдошларию қадрдон мактаби, ўз жоҳонан шаҳри  
билан Ватанига меҳри баланд. Эндигина мактабининг 9-синфини тугатяпти. Олдинда —  
катта ҳаёт, бир дунё орзу-умидлари кутиб турибди. Ҳаёт синовларидан чўчима, катта  
мақсадлар сари йўлларинг оқ бўлсин, ойдин бўлсин, Жамолжон деймиш!

Жамолиддин ҲИКМАТ

Тахририят

# ВАТАН ҚАДРИ УСТОЗ ДУСОСИ МЕҲР

Навоийнинг устози бўлган,  
Бобурнинг ҳам устози бордир.  
Устозларнинг ўғити ўлмас,  
Устозларнинг дуоси ёрлр.

Устозлардир иккинчи онанг,  
Дард келганда — бўлар ғамхонанг,  
Гоҳи шундай бўлолмас онанг,  
Устозларнинг дуоси ёрлр.

Душман тиги бағрингни тилар,  
Дўстинг гоҳи ёмонлик қилар,  
Устозларинг омонлик тилар,  
Устозларнинг дуоси ёрлр.

Устога боқ, битта гапдан қол,  
Маъшаргача индамасдан бор,  
Қадрига ет, дуосини ол,  
Устозларнинг дуоси ёрлр.

## ЎЗБЕКЧА

Сиз айтасиз, Жамолжон,  
Русчада дардлашайлик.  
Ўзбек қизлар, илтимос,  
Ўзбекча гаплашайлик.

Русчада гап тузясиз,  
Лондонда гул узясиз,  
Икки тилни бузясиз,  
Ўзбекча гаплашайлик.

Юрак чўглаб келганмиз,  
Ғамингизни еганмиз,  
Опа-сингил деганмиз,  
Ўзбекча гаплашайлик.

Дуру гавҳар сўзлари,  
Гулдир босган излари,  
Ўзбекнинг хур қизлари,  
Ўзбекча гаплашайлик.

## ШЕЪР ВА ШОИРЛИК

Шеърда инфаркт бўласиз,  
Шеърда — шамолланмайди.  
Шеърни ижод қиласиз,  
Шеърни амалланмайди.

Кимларгадир оддийдир,  
Кимларгадир моддийдир,  
Яна ким-чун шодликдир,  
Шеърни амалланмайди.

Кўйинг, бироз айнибсиз,  
Шеърятда дайдибсиз,  
Ака, бекор айтибсиз,  
Шеърни амалланмайди!

қара, жонинг соғ бўлсин».

Кейин эса кундалик ташвишларимга андар-  
мон бўлиб кетаман. Ўзимча ўзимни оқлаган  
бўламан: «Ўзлариям... Ҳеч гаплари тугамай-  
ди-да, ахир телефон гурунч учун чиқарилма-  
ганку», дейман. Аммо барибир ўзимни ўзим  
юпата олмайман. Аллақадердан онамнинг кўла-  
ридаги қувончга харидор бўлган Хожи ҳақиқда-  
ги ривоят ёдимга тушади.

Эмишчи, ҳаж ниятида сафарга чиққан киши-  
га бир оқшом тунаш учун жой берган Хожи унинг  
нима мақсадда йўлга чиққанини эшитиб, ку-  
тулмаганда «Онажон борми?» деб сўрайди ва  
онасининг ҳаётлигини эшитгач, «Мен эллик  
марта ҳаж қилдим, ҳар сафар ялангоёқ, ялан-  
бош, ёлғиз ҳаж қилдим. Эллик ҳажимнинг ҳам  
савобини сенга бераман, сен менга онангни  
қўларидидаги қувончни бер», дейди.  
Мен эса вақтимни қизғониб ўтирибман...

Нафақага чиққанидан буён тез-тез ёнла-  
рига бориб, узоқ-узоқ суҳбат қилиб қайтаман.  
Онагинмангиз юзлари бирам нурли, меҳр тўла  
нигоҳлари сокин, суҳбатлари шундайлар шир-  
ин... Кўнглингнингинг гадоси. Дилингнизи  
оғритиб қўймайин, авайлабгина гапирадилар.

Лекан ҳар гапига бир мақол қўшиб гапирма-  
салар, ҳисобмас. Хеч ёнларидан кетгим кел-  
майди. Шу кун сўрадим: «Онажон, армонла-  
рингиз қўлим?» Онам бироз ўйлаиб турдида,  
хотиржам жавоб қилди: «Йўқ, болам. Нимага  
интилсам, аввало Оллоҳ қолаверса, ўзимнинг  
ҳаракатим билан эришдим, нимага урунсам,



ақли заковатим билан худдаладим. Ҳеч қачон  
бугунги ишни эртага қўймадим. Худойим ўғил  
берди, қиз берди, барингизни ризқингиз бил-  
дан, бахтингиз, мартабангиз билан берди. Бир  
армоним ота-онам яшайдиган жойдан мактаб  
жуда узоқ эди, савод чиқара олмадим. Оқ  
қозонинг бетидидаги ёзувини ўқий олмадим.  
Турмушга чиққанимдан кейин ҳам ўргансам  
бўлар эди, оила, бола-чақа ташвишидан орта  
олмадим. Сизларнинг китоб қўчоқлаб юрган-  
ларингизни кўрсам, ҳавасим келади. Агар ки-  
тоб ўқийши билганимда тикув машинасидан  
ташқари китоблар ҳам менинг қадрдон ду-  
ноналарим бўлиб қолар эди».

Онам ҳар нарсадан нолиб юрадиган одам-  
ларни ёқтирмайди. Ўзи ҳам ҳеч қачон ноли-  
майди. Шукрлилик, қаноат ҳақидаги ривоят,  
маталларни кўп айтадилар.  
Ушбу сатрларни ёзар эканман, юрагимнинг  
туб-тубида симиллаб турган соғинч ҳиссини  
туйдим. Онам — Оллоҳ берган беминнат ха-  
зинам, ғанимат неъматим. Шошиб, болали-  
гим ўтган қадрдон ўй томон йўлга тушдим.

Гар ўтмиш ҳақида ёзмакчи бўлсам,  
Йилгайман, кинригим намлик қилади.  
Ватанин борича ёзишим учун,  
Менга юз эллик йил камлик қилади.

Ватан ҳақида шеър ёзмабман  
ушинг ғаминг еб,  
Аскар олам асрагандай  
жангда кўзини.  
Негадир мен хайқирмадим  
Ватан, Ватан деб,  
Тил учиди айтолмайман  
Ватан сўзини.

Мен баъзида элақдан  
тушган оппоқ ундайман,  
Яна баъзи дўстларимни  
яхши ишга ундайман.  
Бу шундайин болами деб  
менга бежо қараман,  
Мен сиз айтган шундаймасман,  
мен ҳалиям ундайман.

Атрофимда дунё турлилик кезар,  
Мени ўзгартириб бормоқда ҳаёт.  
Ҳаётнинг олдида мен бир телевизор,  
Бошқа каналларга олмоқда ҳаёт.

Болалиқдан  
ЎСМИРЛИККА

Олтин балиқ тилагингни тила деганда,  
Дилни болалиққа шайлангирардим.  
Яна биринчи синфга қайтишим учун,  
Ёрни орқасига айлангирардим.

Нега кетиб қолдинг сабабсиз, изсиз,  
Қирдан қизғалдоқлар териб берардим.  
Ойни олиб беролмасам ҳам,  
Юпетирини олиб берардим.

## САВОЛ ВА ЖАВОБ

Ж.Ҳикмат (Абдулҳаев) — 1999 йил  
Тошкент шаҳрида туғилган. 260-  
умумтаълим мактабининг 9-синф  
ўқувчиси.

Онам кетиб қолдинг сабабсиз, изсиз,  
Қирдан қизғалдоқлар териб берардим.  
Ойни олиб беролмасам ҳам,  
Юпетирини олиб берардим.

Ж.Эргашева 1956 йили туғилган.  
ЎзМУнинг журналистика факулте-  
тини битирган. «Изҳор», «Инти-  
қом», «Зулфизар», «Қир устидаги  
аёл» номли роман, қисса ва ҳикояла-  
ри чоп этилган.

Бошланиши биринчи саҳифада.

"Хамса"даги Фарҳоднинг тоққа айтган васияти навоийона услубнинг бетакрор намунаси...

Боқий қилди васият тоғ сори, Дели: "К-эй, офариниш бурд бори. Удуви қадринг айлаб кўкка оҳанг, Шукӯҳи ҳилмдин зотинг гарсонанг, Этақиди нотавонларга панаҳсанг, Ҳажардин хасталарга такьягоҳсан, Санга менин етубдур онча ётлик, Ки, юзундин уётликмен, уётлик, Гаҳи бағринг бўлуб тешам гилофи, Гаҳи жисмингда метиним шифофи, Юзунг ёшимга ҳунолул гоҳе, Дамимдин бошинг узра дуд гоҳе, Бори журуммга тинг афв суртил, Борур чоғида афв айлаб кечурил.

Бор-йўғи етти байтдан иборат ушбу пурмаъно васиятда Навоий Фарҳод маскан қилган тоғни барча тоғлар сингари "нотавонларнинг паноҳи", "хасталарнинг такьягоҳи", деб сифатлар экан, шу билан бирга, китобхонга бундай умумий тасвир ва ифодадан ташқари инсоният учун ҳамма замонларда жуда қадрили ва қимматли бўлган қадр, ҳилм, уят, афв, кеңиримлилик каби фазилат сифатларни эслатади. Биринчидан, Навоий бундай сифату фазилатлар соҳиби бўлган Фарҳод образини яна бир бор бизга таништирса; иккинчидан, ҳам-ташвиши ва тешаси, метини билан тоққа ҳам жисмонан, ҳам руҳан озор берган Фарҳоднинг тоғдан қайта-қайта афв, кеңирим сўрашини намуна қилиб кўрсатиб, китобхонни ҳайратга солади; учинчидан эса, васиятнома матнида уятлик, афв сўзларини такрор қўллаш орқали шoir инсонларга қарата бир-бирингизга озор берган Фарҳоднинг жабр қилманг, зулм кўрсатманг, мабодо ҳилмдан чекиниб, озор, жабр, зулмга йўл қўйсангиз, ўз вақтида афв сўранг ва дарҳол афв қилинг, кеңиримли бўлинг, фазилат изланг, деб одамийлик, мардумлик, огоҳликка чақиргандек, саёбони ишларга, алу юрт хизматига қорлагандек бўлади.

Навоий ижодидаги ўзаро манқилийлик ва изчилликни қарангки, у "Саҳди Искандарий"нинг фироқ ҳақидаги бобини гўё Фарҳод васияти асосига қургандек бўлади. Фарҳод васиятини эшитган тоғнинг жони энди баттар азобда, эртаю кеч фақат фиғон чекади, чунки энди тоғ Фарҳодсиз! Навоий айрилиқ, фироқ дардини муболага, ташхис, интоқ санъатлари асосида шундай тасвирлайди:

Магар тоғ Фарҳодсиз жон чекар, Садодин нега йўкса афшон чекар. Мутафаккир Навоий "Маҷолис ун-нафоис" асарининг Биринчи ва Иккинчи маҷлисидега ёзиб қолдирган урта васият билан боғлиқ тарихий тасвири, биринчидан, шoir ҳасби ҳолидан, бағри кенглигидан, одамийлигидан хабар берувчи тарихий воқеалар тасвири, деб изоҳласа; иккинчидан, ўзаро ижодий, маърифий мулоқотнинг, устоз ва шогирдлар муносабатининг намунаси дейишиси мумкин. Чунончи: "Мир Шохий — сабаворликдур. Асли сарбадорлардин бўлур. Бойсунгур Мирзо мулозаматида бўлур эрди. Оти Мир Оқмалиқдур. Фароғатдуст ва хушбод киши эрди. Анинг шеърини чошин ва салосат ва ақдаслик ва лафотати таъриф қилмоқ ҳождат эрмас. Фазали агарчи оздур, аммо барча халойиқ қошида писандида ва мустаҳсандур. Фақир агарчи ани кўрмадим, аммо анинг била фақирни орасида бўлуб ва ирсол воқеъ бўлди. Мулк подшохи (Абулқосим Бобур — Б.Р.) отамни ҳукмат расми билан Сабзаворга юбориб эрди ва Мир Шохийни Астрабод ҳокими тилаб Журжон мамоликига элтиб эрди. Астра-

бодда анга қазо етиб наъшин Сабзаворга келтурдилар ва обо ва аждоди даҳмасида халойиқни ўтру сикориб ани охират ерига дафн қилдилар. Астрабодда айткан икки матлаи туганмай қолган эрдиким, васият қилгондурким, Хожа Авахд аларни тугатсун деб...

Хожа Авахд иккаласини тугатти ва девонига битилди ва шаҳр шуаросига марсия таклифи қилдиким, айтдилар...

Кўриниб турибдики, таъкирада берилган ушбу Мир Шохий ҳақидаги лавҳа ҳам ўзига хос зикр бўлиб, унда фақат Мир Шохийнинг иқоди, ғазал бобидаги маҳорати ва эл назарида эканлиги, Астрабод ҳокими билан ўзаро муносабати, ҳокимнинг уни Журжон мулкига ўзи билан олиб кетиши, тўсатдан Астрабодда вафот этиши, жасадини эса Сабзаворга келтириб, ота-боболари қўйилган даҳмага дафн қилишлари, Астрабодда ўлими олдидан икки

Навоий гулшани

459 ижодкор ҳақида маълумот берувчи китоб, шу билан бирга, муаллифнинг ноёб фазилатларини муҳасса этган бетакрор манба сифатида ҳам қадри экинлигини англаймиз.

Таъкирада келтирилган ўзига хос васиятлардан учинчиси, бу — тўқсон тўққиз ёшдаги Лутфийнинг вафоти олдидан Абдурахмон Жо-

миёга айтган васиятидир. Лутфий ўз васиятида яқунлашига қўзи етмаган "афтад" радифили ғазалини Жомий маромига ёктазиб яқунлаб, ўз девонига киритишини васият қилади. Ушбу табаркур васият билан боғлиқ воқеани ҳазрат Навоий бизга қуйидагича таништиради: "Мавлоно Лутфий ўз замонининг малик ул-каломи эрди, ...аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди ва туркий девони ҳам машҳурдур... Тўқсон тўққуз яшади..."

Ва ўтар вақтида бу ғазал матлаъинким, туганмайдур эрди, васият қилдиким, ҳазрати Маҳдумий Нуран тугатиб, ўз девонларидега битисунлар ва ул матлаъ бўлдурурким:

Гар қор дили ошиб бек кофирин Чин афтад, Бех з-онки, ба бадхўи бемехри чунин афтад.

(Таржимаси: Агар ошқилар дилининг иши Чин кофирига тушса, шу сингари бемехр, бадфелъга тушгандан кўра яхшироқдир.)

Лутфий ҳақидаги маълумотда бизни қизиқтирган масала, бу — "Ва ўтар вақтида бу ғазал матлаъинким, туганмайдур эрди, васият қилдиким, ҳазрати Маҳдумий Нуран тугатиб, ўз девонларидега битисунлар..." деган маълумот. Шoir берган маълумот киска ифодаланган бўлса-да, ноёб ва бетакрор маънавий ҳодисадир, деб айтиш мумкин. Лутфий девонини нашрга тайёрлаган навоийшунос олим С.Эркинов мазкур васиятнинг ижроси ҳақида китобнинг "Лутфий ва Жомийнинг муносабатларидан лавҳалар" бобидега шундай ёзади: "Абдурахмон Жомий Лутфий ва-сиятига амал қилиб, у қолдирган матлаъини давом эттирган. Уни тугал ғазалга айлантирган. Абдурахмон Жомий девонидан ўрин олган икки зарбад ижодкор ғазали билан юзага келган хотира ғазалнинг тўлиқ матнини келтирамиз". Устоз навоийшунос С.Эркинов ғайрат кўрсатиб, икки буюк сўз устасининг бир-бирларига кўрсатган рағбат ва ташаббус билан ёзилган, етти байтга айланган форса хотира-ғазал матнини тўлиқ келтиради. Мазкур васият "Насойим ул-муҳаббат"дан ўрин олган "Мавлоно Лутфий зикри"да Навоий томонидан алоҳида меҳр ва заҳф билан тилга олинган "Тўқсон ёшдин тажовуз қилгонда, Ҳазрат Маҳдуми н. м. н. отига радифи "Суҳан" сажъ қасидае айтиб эрдиким, замон ҳуш-ғўйлари барча ҳўблукка мусаллам тутдилар", деган жозибали хикояни ёдимиқда солади. Лутфийнинг ёш Алишерга "Оразин ёпқон..." деб бошланувчи ғазали учун 12 минг мисра шеърини жўшиб ҳада қилиб юбориши ва Абдурахмон Жомий шарафига бундай марғуб ва маҳбуб қасида бахшида қилиши унинг устоз сифатидаги ажаб ҳолати, кенфелълигидир, дейиш мумкин.

Буробия РАҲАБОВА, филология фанлари номзоди

ИНСОННИ ТУШУНИШ

Атоқли олим ва моҳир таржимон Асил Рашидов "Чингиз Айтматовнинг бадийи олами" тадқиқотида адиб ўзлигининг ўзак илдизи аждодлар хотирасига, азалий ва абадий қадриятларга, халқ ахлоқи ва идеалларига, миллий анъаналарга садоқатида эканлигини алоҳида таъкидлайди. Айни пайтда адиб насрининг бадияти сирларини ёритишда унинг фалсафий-эстетик қарашларига, ижтимоий идеалига, дунёни, одамни тушуниши ҳамда тушунтиришидаги ижодий принципларига таянади.

Ҳар бир миллат ўзининг тарихий тараққиёт босқичларида нималарнидир йўқотади, нималаргадир эришади. Халқнинг эзгуликка, адолатга, боқий гўзалликка йўғрилган култур хислат-фазилатларини асраш-авайлаш ва ривожлантиришда бадийи онг (адабиёт ва санъат)нинг мўйсифид мозирига кўрсатажак кўмаги беқийсдир. "Фақат санъатгина тарихнинг шиддатли жараёндаридега кечаётган лаҳзаларни тўқтатишга, бугунги кун дардларига ориқлари билан яшаётган одамни қайталанмас тарихий воқеаларга шерик этишга қодир, — деб ёзади машҳур адиб. — Ва бадийи онггина (адабиёт ва санъат) ўз даври ҳақиқатларини асрашга, келажак авлодларга ёктазишга яратилгандир".

Асил Рашидов тадқиқотида XX аср адабиётининг йирик намоёнаси Ч.Айтматов ижоди ўз-ўзидан қўп-қуруқ заминда юзага келмади, деганда ана шу теран томирларни назарда тутди. Шу маънода кўна обидалар кенг фойдаланиш учун бизга кўмак беришини таъкидлайди. Дарҳақиқат, Энасой дарёси бўйларидан, Мўғилистон чўллари этакларидан, Таласдан топиладиган тош битикларда туркий улуслар хусусида, уларнинг турмуш-тирикчилик тарзи, оилавий ҳаёти, фарзандлари, қўшни халқлар билан олиб борган муносабатлари, ўз мустақиллигини таъминлаш, муҳофаза қилиш борасида босқинчи-ғанимларга қарши жангу жадаллари тўғрисида тўқис маълумотлар келтирилади.

Асил Рашидов машҳур адиб истеедодининг илдизларига эътиборимизни қаратган, муҳими, бадиятининг миллийлигини ёритишда адабий-эстетик, фалсафий тафаккур сарчасмаларини кузатишга қатла рағбат кўрсатади. Ёзувчининг ҳикоялари ("Ашим", "Селоячи", "Байдамтол соҳилларида", "Рақиблар", "Оқ ёмғир"), қиссалари ("Жамилла", "Эрта қайтган турнарлар", "Юзма-юз", "Сарвкомат дилбарим", "Бутақўз", "Сомон йўли", "Алиvido, Гулсарин", "Оқ кема", "Эртақдан сўнг", "Соҳил ёқалаб чопайтган олапар", "Биринчи муаллим") ҳамда рёманлари ("Асрни қаритган кун", "Кийёмет", "Касандра тамғаси" ("Охирзамон нишонлари"), "Қулаётган тоғлар" ("Мангу қайлик") таҳлилида олимнинг яхлит бир илмий-назарий концепцияси устувор. Хусусан, миллий ҳаёт материаллини тадқиқ этишда азалий ва абадий (зулм-залолат ва эзгулик, ҳаёт ва ўлим, хиёнат ва садоқат сингари) муаммолар бадийи-эстетик сент мевҳарига айланган. Бу борада ёзувчининг дунёқараш масаласи адабиётшунос кузатишларида етакчи ўрин тутди. "Ҳақиқий санъаткорнинг ҳар қандай

яхши асари унинг донишмандлигининг гувоҳи бўлибгина қолмай, айни чоғда муайян эстетик қарашлари ва бадийи маҳоратининг ҳам муносиб ифодасига айланади", деб ёзади олим.

Чунончи, "Оқ кема" қиссаси таҳлилида айнан шу йўналиш етакчи. У асардаги чинакам миллийлик умуминсонийликнинг кўринишидир, дея қайд этар экан, ёзувчининг "Заминни қурашган шабадалар" мақоласида илгари сурилган қуйидаги фикрларидан қуч олади: "Умуминсоний вазифалардан ташқари, ҳар бир адабиётнинг ўз миллий вазифаларини бор, адабиётни миллийликдан жудо этиш конкретликдан, бинобарин реализмдан жудо этиш демакдир. Ҳар бир адабиёт миллий заминда туриб умуминсоний мазмун сари интилади". А.Рашидов қисса қаҳрамонларининг характер хусусиятларини кузатаркан, Мўмин бува ва Бола ҳаёти, уларнинг тақдирини бир томондан, Ўроқкул ва Сайдахмадлар ҳаёти,

Умр ибрати

тақдирини иккинчи томондан шу хулосани тасдиқлайди. "Оқ кема" қаҳрамонларининг миллийлиги уларнинг тарихан ҳаққонийлиги ва ижтимоий жиҳатдан янги жамият қишлоқлари эканлигини пайкаб олишга имкон беради", деб ёзади олим.

Насрининг устувор хусусияти, бу — детал асосига қурилишидир. Шу маънода, ҳаётнинг деталларининг бадийи салмоғига эътиборни тортди. Чунончи, Мўмин бува ўз қалпоғини ўрмончиларнинг расмий фуражасидан афзал қўради. Шохдор ана бугу инсонлар учун шохда қайиндан ясалган бешик олиб келади.

Адабиётшунос талқинида машҳур ёзувчи насрининг зуқко таржимони тажрибалари, мураббий олим нигоҳи шундоққина кўриниб туради. Унда Асил аканинг олийжаноб инсоний ва олимлик хислат-хусусиятларини бирлаштирган қалб зарблари уриб туради. Яъни халқ донишмандлиги тинимсизга айланган адиб асарлари бадияти сирларидан воқиф бўламиз, тароватини туюмиз, ўқиб кўзинг қувонади, ҳис этиб дилинг йрайди.

А.Рашидов тадқиқотларида асарлар бадияти ижодкор шахсияти, дунёқарашини билан яхлит уйғунликда ўрганилган эътиборлидир. "Инсон ва меҳнат мадҳи", "Иши — қиссаларимиз қаҳрамони", "Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири", "Сўнмас юлдузлар" сингари монография ва рисолаларида, юздан зиёб илмий-назарий, оммабоқ мақолаларида бир хусусият муштараклиги кузатилади. Хусусан, адабиёт тарихи — бу бадиятлар тарихидир, деган илмий-назарий концепция олимнинг барча тадқиқотларини бирлаштириб туради, уларга яхлит тугаллик ва бутунлик бағишлайди.

Асил ака билан суҳбатлашсангиз сўз қаримайди, дилтортар сўхбатига тортилаверасиз. Боиси — аниқ-тиниқ ижодий режалар, янги кузатишлар, чуқур ўй-фикрлар... Булар барча устоз адабиётшуносни кўнгил мулкини, ақлни чарқлайди, дилни қувватлантиради. Кўнгил қўнғилдан сув ичади, деганлари шу бўлса керак, аслида.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ, филология фанлари доктори, профессор

Дунёни билишда бадийи таржиманинг аҳамияти беқийс. Бугунги адабий жараёнда таржима соҳасининг жадал ривож топаётгани — жаҳон адабиёти дурдоналарининг она тилимизда қайта яратилаётгани ҳар жиҳатдан қувонарли ҳол. Олмон тили билимдонни, таржимон ва адабиётшунос Хуррам Раҳимов билан мутаржим Мирзаали Акбаровнинг суҳбати таржима масалалари, хусусан, машҳур олмон адиби, Нобел мукофоти совриндори Ҳерманн Ҳессе ижоди ва унинг "Чўл бўриси" романи таржимаси ҳақида.



Хуррам РАҲИМОВ: — Тил билган дил билади, дейишади. Бирок мумотоз асарларга хос фалсафий мазмун-моҳиятини чуқур англаш учун тил билишини ўзи камлик қилар экан. Талабалик пайтларимизда олмон адабиётига мансуб кўпгина асарлар бамисоли "тошёнгоқ"дек туюлар, уларга кўпма "тишимиз ўтавермасди". Масалан, Ҳерманн Ҳессенинг (1877-1962) "Чўл бўриси", "Маржонлар ўйини", "Демиян", "Гилдирақлар остида" романлари шундай асарлар сирисидан. Таржимон сифатида Сиз айнан "Чўл бўриси"ни танлагансиз...

асардаги воқеалар адибининг ўз бошидан кечирган руҳий инкироз билан боғлиқ, Германиядаги ўтган аср бошларидаги сиёсий вазият, ижодий муҳитнинг ёмонлиги, пулнинг қадриятсизланиши ва бошқа иқтисодий қийинчиликлар кўплар қатори ёзувчининг ҳам тушун ҳолатга, боши берк кўчага олиб кириб қўйган эди.

М.АКБАРОВ: — Тўғри айтдингиз. У ҳақ пайтда ўзини чиндан ҳам ёлғиз, ҳорғин ва холдан тойган "чўл бўриси" янгли ҳис эта бошлайди. Роман нима учун "Чўл бўриси" деб номланган? Эътибор берган бўлсангиз, асарнинг асосий қисмини қаҳрамон Ҳарри Хал-

таржима қилинадиган асарлар рўйхатини қўлимга тутқазиб, "Танлаб ол", деди. Мен "Чўл бўриси" романини танладим. Чунки теран психологик асар сифатида бу роман муаллифи оламшумул шуҳрат келтирган, қолверса, асар қаҳрамонининг ўз-ўзини таҳлил қилиши, маънавий-руҳий зиддиятларини енгизиш йўлидаги саяхат-харакатлари китобхонни ҳайратга солади. Ёзувчи Томас Манн бу романга шундай баҳо берган: "Чўл бўриси" адабий тажриба бобидеги экспериментал дадилликда "Улисс" ва "Фах Моппаяуэрс" сингари асарлардан қўлишмайдиган китоб эканлигини айтиб ўтиришга ҳождат бормикан? "Чўл бўриси" менга анчадан буён илк бор ҳақиқий китоб мутлоаси нима-лигини қайта ўргатган асардир".

Х.РАҲИМОВ: — Дарҳақиқат, бу

Жаҳон адабиёти тажрибалари

лернинг, яъни "чўл бўриси"нинг ёзишлари ташкил қилади. Асарда воқеалар биринчи шахс номида, яъни ёлғизланиб қолган эллик ёшлар атрофидаги инсон тилидан хикоя қилинади. Мазкур шахс тинимсизлик инсон ички дунёсининг, ботиний вужудининг бениҳоя серқирралиги ибратли тарзда очиб берилади. Романнинг Швейцарияда чоп этилиши муносабати билан (1941) адиб ёзган сўнгсўзида шундай сатрлар бор: "Мен, албатта, китобхонларга ушбу қиссамни қандай тушунишлари хусусида маслаҳат бера олмаيمان ва бермоқчи ҳам эмасман. Ҳар бир ўқувчи ундан ўзига керакли ва

ДУНЁНИ БИЛГАН ЎЗЛИГИНИ АНГЛАЙДИ

фойдали хулосани ўзи чиқариб олаверсин! Чўл бўриси ҳақидаги асар, гарчи унда хасталик ва мушкул шароит тасвирланса-да, бирок бу хасталик ўлимга олиб бормади, бу таназзул эмас, балки аксинча: шифо, даво ва муолажадир".

Х.РАҲИМОВ: — Адибининг ижодига Шарқ фалсафаси кучли таъсир кўрсатган. Айни пайтда, адиб ўз она тилининг ҳам теран билимдонлигини эди. Дарҳақиқат, "Чўл бўриси" романида Гарб

ва Шарқ ғоялари, фалсафаси, шу билан бирга инсоннинг ўз мураккаб "мен"ига бўлган қувноқ ва вақим муносабати, ўз-ўзини англаш, топши сари интилиш ёрқин ифодасини топан. Бу эса Ҳессенинг Шарққа, Шарқ фалсафаси ва анъаналарига илхоси ҳамда хурмати бандлигидан далолатдир. "Чўл бўриси" — теран мазмун ва чуқур фалсафий мушоҳадаларга бой психологик асар, тили ҳам шунга яраша мураккаб. Бирок бу жиҳатлар асарнинг китобхон томонидан енгил ва равоқ қилишига асло тўсқинлик қилмайди. М.АКБАРОВ: — "Мен бир асрлик

олмон адабиёти билан батафсил танишиб чиқдим, — деб ёзади Ҳерманн Ҳессе ўзининг "Жаҳон адабиёти кутубхонаси" номли мақоласида. — Ҳатто мутахассислар ҳам менчалик чуқур танишмаган бўлса керак. Бир қисми аллақачон эскирган бу китоблардан мен учун бениҳоя қадрдон она тилим — олмон тилининг муаттар бўйи уфуриб турарди. Бу тил айни XVIII асрда ўзининг гуллаб-яшнайдиган даврига қадим қўйиш арафасида эди. Олмон тилини мен ана шу мажмуалардан, чанг босиб ётган роман-

фа бўлди. Асарнинг илк бор бевосита олмон тилидан ағдарилгани маданий ҳаётимизда ўзига хос воқеа, дейиш мумкин. Зеро, таржима жараёни қизгин ва машаққатли жараён.

М.АКБАРОВ: — Мазкур асардан китобхон сифатида гоё таъсирланганман ва турли ёшдаги ўқувчилар қатори каминга ҳам унда ўзимни топанман. Дарвоқе, муаллифнинг ўзи ҳам романга сўнгсўзида шундай ёзган: "Китобхонлар каминанинг китобидан мутаассир бўлишган. Лекин қизиғи шундаки, улар асар мазмун-моҳиятини тўла-тўқис тушунишмаган. Бу ўқувчилар, менинг назаримда, чўл бўрисида ўзларини кўришган, ўзларини унга ўхшатиб, изтиробларига шерик бўлишиб, орзуларини баҳам кўришган..."

Шубҳасиз, асар таржимаси жараёнида бир қатор қийинчиликларга дуч келдим. Шу ўринда улардан атиги биттаси, яъни айрим сўз ва иборалар таржимасидаги мураккаблик ҳақида гапирмоқчиман. Аслиятдаги "Giottosche Engelscharen aus einem kleinen blauen Kirchengewölbe in Padua" жумласини таржима қилаётганимда Giottosche Engelscharen иборасидаги "Giottosche" сўзи мабодо матбаа хатоси эмасмикан, балки аслида "Giottosche" бўлиши лозиммасми, деган шубҳага бордим. Бир ҳамкасб дўстимиз ҳам ушбу фикримни маъқуллади. Хуллас, дастлаб шундай ўғирдим: "Падуадаги кичкинагина мовий тусли черков гумбазидан туган тангри фаришта-малоикалари...". Яъни "Giottosche"ни "Giottische" бўлса керак, деган ўй билан худого менгазб, "тангри" деб ўзбекчалаштирдим. Бирок кейинги изланишлар натижа-сида бу сўз бутунлай нотўғри ўғирилганига амин бўлдим. Зеро, "Giottosche" сўзи муаллиф томонидан италян мусабири Жотто ди



Бондоне (1266-1337)га нисбатан ишлатилган экан. Сўнгги вариантда "Giottosche Engelscharen" иборасини ниҳоят "Жоттонинг фаришта-малоикалари", деб таржима қилдим.

Умуман, таржимада тили билишининг ўзигина кифоя қилмайди. Таржима — бирор асарнинг бошқа бир тилдаги "сўзма-сўз" баёни эмас. Мутаржим аслият руҳини сақлай олиши, аввало, уни ўзи теран ҳис этиб, ўқувчига етакзиши, унга "юктира" олиши керак. Асар таржимаси жараёнида мутаржим даставвал ўзи тўқиланмоғи лозим. Агар у асардаги воқеалар гирдобига шўнғиб, қаҳрамон руҳига кирмаса бажарган иши китобхон қалбига, онгига етиб бориши дарғумон. "Чўл бўриси" романини олмон тилидан ўзбекчага ўғираниш жараёнида мен айнан ана шундай ҳолатларни ўз бошимдан кечирдим.

Х.РАҲИМОВ: — Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди, деб ёзган эди улуғ олмон шоири Гёте. Бу фикрни киши дунё маданиятини, маънавияти ва адабиётини қанчалик чуқур ўрганса, ўзлигини ҳам шу қадар теран англай олади, деб тушунсак янглишмаймиз. Дарҳақиқат, бугун истиқлол тудайли жаҳонга юз тутган юртимиз жамолида, халқимиз қамолида бунинг ҳар биримиз кўриб, билиб, ҳис этиб турибмиз. Бу айни ҳақиқатдир.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Қадимий ва бой маданий меросимиз, маънавий қадриятларимиз орасида дорбозлик санъатининг алоҳида ўрни бор. Мураккаб ва серқирраллиги билан ажралиб турувчи дорбозлик таркибида халқ ўйинлари, полвонлик, пантомима, масхарабозлик, қизиқчилик, кўзбоғловчилик, нотиклик, рақс, мусиқа каби анъанавий санъат ва спорт турлари уйғунлашиб кетган.

Бугунги кунда республика- мизда элликдан ортиқ анъана- вий дарбозлар гуруҳлари фа- олият кўрсатмоқда. Шу гуруҳ- лар орасида Саъдулла Мама- далиев раҳбарлигидаги "Шах- рисабз дорбозлари"нинг ало- ҳида ўрни бор.

Шахрисабзда туғилиб, вояга етган С.Мамадалиев болалиги- да шўх ва ўйинқароқ, ботир ва кўркмас, хаёлпараст ва ўта қизиқувчан бўлган. "Дунёни қизиқтириш олға бошлайди", деган ҳикмат Саъдулла ака ҳаёти тимсолида исботини топди. С.Мамадалиев етти ёшдагида Шахрисабздаги сомон бо- зорга дор келади.

Тошоша вақтида дорбозлар майдонга икки болани тақлиф этишди. "Шунча та- лабгор болалар ора- сидан айнан мени дорга олиб чиқишган", деб эслайди Саъ- дулла ака. Шу тарихи дорбозга боғланиш ва дор устида ўйин кўрсатиш Саъдулла учун энг қизиқариш ишига айланган. Халқ ўйинларида чинққан ёш йигит- ча нафақат санъат, балки спортнинг барча асосий турла- ри билан қизиқарди. Тошкент жисмоний тарбия институтида тахсил олиб, Шахрисабз билим юртига спорт ўқитувчиси бўлиб келган Нўмонжон Алимардо- нов тиришқок талабани махо- ратидан руҳланиб, бу ерда цирк гуруҳини ташкил этади. Тез кунда Саъдулла эстрада- нинг асосий иштирокчисига айлана- ди. Дастлабки томошалар кич- кик майдонларга мўлжалланган эди. Кўп вақт ўтмай, цирк сту- дияси Шахрисабз ўқув юртра- рида, туман кишлоқларида то- моша кўрсата бошлайди.

Машқларнинг бирида устози Саъдулла: "Масхарабозлики қойиллатаянмас, энди бир дор- га ҳам чиқиб кўрмайсизми?" — дейди. Шунда кўркүв билмас шогирд лангарчў ўрнига қўлига водопровод қувурини олиб, дор- нинг у томонидан бу томонига югуриб ўтади. Гўё бу ишни ҳар



# ШАХРИСАБЗ ДОРБОЗЛАРИ

қуни бажариб юргандек!.. Шун- дан сўнг Саъдулла масхарабоз Саъдулла дорбозга ҳам айлан- ди-қўйди. Албатта, иш ҳаммиша ҳам ўнгидан келармади. Қарши шаҳрида ўтказилаётган "Ҳосил байрами"да очик маши- на устига кичик дор ўрнатилди. Саъдулла дорда "варрак ай- ланиш" томошасини кўрсатади. Бу томоша йиғилганларга жуда ёқади. Қарсақ ва олқишлардан сўнг, у ўйинни яна қайтаришига тўғри келди. Бироқ... бироқ то- моша жараёнида бирдан дор- нинг сими узилиб кетди... Ак- робатликдан хабардор дорбоз чаконлик билан ўзини дор ус- тунига отади ва уни қучоқлаб олиб атрофда айланишни дав- дом эттирарди: худди аввалдан режалаштирилгандек. Қар- сақлар тинмайди! Саъдулла эса табассум билан томошабинлар- га таъзим қилади.

Дорбозликда шогирд устоз- дан нафақат касб сирларини, балки одамгарчилик, одоб- юриш-туриш маданиятини ҳам ўрганади. Шогирд касби ва ус- тозини улуғлашига кўзи етган- дан сўнггина, устоз шогирдга "оқ фотиҳа" беради. Ана шу жа- раёнларни ўтаб, устозининг

"оқ фотиҳа"сини олган С.Ма- мадалиев етук дорбоз бўлиш- га, санъатини нафақат Шахри- сабзда, бутун Ўзбекистонда, қолаверса чет элларда ҳам на- мойиш қилишига муяссар бўлди. 1978 йили туман мада- ният ва истироҳат боғида ало- ҳида дорбозлар гуруҳини туз- ди. Кичик дор вақти келиб кат- тага айланган. Унинг янги гу- руҳи кўркмасдан узунлиги 12 метр, баландлиги 25 метрли катта анъанавий дорда томоша кўрсата бошлади. Шу тарихи гуруҳ уч хил дорда: кичик (пру- жинали, иргитадиган) дорда, кавказча (лазгинча) дорда, анъанавий катта ўзбек дориди ҳам бемалол томоша кўрсата оладиган бўлди.

Маълумки, дорбозликда дорбоз, масхарабоз, полвон гуруҳининг асосини ташкил қилади. Хайдарали Рустамов, Валижон Фаниев, Фарҳод Маҳ- камов Саъдулла раҳбарлигида труппанинг дастлабки қал- дирғочларига айланган. Гуруҳ келажакни ўйлаган раҳбар труппа қошида дорбозликка қизиқадиган ёшлар учун тўга- рақ ҳам очди. Гуруҳ истеъдо- ли полвонлар — Нормахмад

Йўлдошев, Файрат Мирзаев, масхарабозлар — Қўлдош Эр- гашев, Ҳаким Қурбонбоев, от ўйини иштирокчиси — Абду- райим Юсупов билан боғлиқ. Ёш дорбозлардан Равшан Ру- стамов ва Шойистахон дорда кўз боғлаб юриб, патнис, пичоқ ўйнатиб, мўъжизалар кўрсатди. 1980 йили гуруҳ биринчи бор Тошкент шаҳрида ўтка- зилган республика дор- бозлар кўрик-танловига қатна- шиб, фахрий ёрлик билан тақ- дирланди. Шундан сўнг мазкур кўрик-танловда бир неча бор голибликни қўлга киритди. С.Мамадалиев гуруҳи Москва- да, Африка қитъасида, яна кўплаб давлатларда томоша- лар, йулбарслар, Европа ва Марказий Осиё айқилари, бўри- лар, чиябўри, тўнғизлар боғ- фаҳрига айланди.

Истеъдодли ҳайкалтарош- рассом Тўра Ашуров билан ба- маслаҳат баҳайбат динозаврнинг эскизи тайёрланди. Динозавр — қадимийлик ва ҳайвонот дунёсининг йирик тимсоли сифатида баландлиги 16 метр, узунлиги 56 метр, кенглиги — икки қаноти 25 метрдан 50 метр бўлиб

қад кўтарди. Хуллас, бу асар нафақат ма- ҳобати билан, балки маъноси, бадий фалсафаси, қолавер- са, юксак маҳорат ила яратил- гани билан диққатга сазовор. Эндиликда боғнинг ўз тарихий музейини ташкил этиш ишла- ри ҳам бошланган. Антиқа му- зей уч бўлимдан иборат бўла- ди. Биринчи бўлимда ҳайвонот боғининг ташкил этилиш жара- ёни ўз аксини топади. Иккин- чи бўлим дорбозлик тарихига бағишланган. Бунда ўзбек дор- бозлик санъати тарихи, устоз- лар, "Шахрисабз дорбозлари" гуруҳининг ташкил топиши ва ривожланиши акс эттирилади. Учинчи бўлимда Шахрисабз тарихига махсус жой ажрати- лади. Бунда ташриф буюрган одам ўлка табияти, ҳайвонот олами ва маданияти тарихи ҳақида муайян тушунчага эга бўлиб, кейин боғни томоша қилади. Ушбу дам олиш мас- кани ва унда ташкил қилина- жак музей ёшларни маънавий баркамол ва табиатсевар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Саъдулла ака раҳбар сифати- да дорда бош билан тикка ту- риб турли машқлар ижро этиш, дорда "кўприк" қилиб, устига 3 кишини (ияк, ҳорин ва оёққа устларига) чиқариб, антиқа машқ кўрсатиш, пичоқ, олов ва бошқа воситаларни ўйнатиш, ўз атрофида "чиғирик" қилиш, бир

оёқ учиди осилиб туриш, тез ик- кинчи оёққа ўтиш каби мурак- каб машқларни шогирдларига ҳам ўргатиб, бетакорр дастур яратишга муваффақ бўлди.

Устоз дорбоз 1991 йили тад- биркорлик соҳасида иш бош- лаб, Шахрисабз шаҳрида ҳай-

## Қадриятларимиз

вонот боғи ва циркни бирлаш- тириб, катта дам олиш маска- ни ташкил қилишга бел боғла- ди. Боғга юзга яқин экзотик жо- ниворлар ва қушлар келтирил- ди. Йиртқич ҳайвонлардан шерлар, йулбарслар, Европа ва Марказий Осиё айқилари, бўри- лар, чиябўри, тўнғизлар боғ- фаҳрига айланди.

Истеъдодли ҳайкалтарош- рассом Тўра Ашуров билан ба- маслаҳат баҳайбат динозаврнинг эскизи тайёрланди. Динозавр — қадимийлик ва ҳайвонот дунёсининг йирик тимсоли сифатида баландлиги 16 метр, узунлиги 56 метр, кенглиги — икки қаноти 25 метрдан 50 метр бўлиб

қад кўтарди.

Хуллас, бу асар нафақат ма- ҳобати билан, балки маъноси, бадий фалсафаси, қолавер- са, юксак маҳорат ила яратил- гани билан диққатга сазовор. Эндиликда боғнинг ўз тарихий музейини ташкил этиш ишла- ри ҳам бошланган. Антиқа му- зей уч бўлимдан иборат бўла- ди. Биринчи бўлимда ҳайвонот боғининг ташкил этилиш жара- ёни ўз аксини топади. Иккин- чи бўлим дорбозлик тарихига бағишланган. Бунда ўзбек дор- бозлик санъати тарихи, устоз- лар, "Шахрисабз дорбозлари" гуруҳининг ташкил топиши ва ривожланиши акс эттирилади. Учинчи бўлимда Шахрисабз тарихига махсус жой ажрати- лади. Бунда ташриф буюрган одам ўлка табияти, ҳайвонот олами ва маданияти тарихи ҳақида муайян тушунчага эга бўлиб, кейин боғни томоша қилади. Ушбу дам олиш мас- кани ва унда ташкил қилина- жак музей ёшларни маънавий баркамол ва табиатсевар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Лазизжон БАХРАНОВ

# МУСАВВИРНИНГ БОЛАЛИГИ

Таниқли санъаткор ҳаёти, айниқса, унинг ёшлиги ҳақида бадий асар ўқиш ҳаммиша мароқли. Агар бу хотиралар му- аллифи санъаткорнинг ўзи бўлса, китоб- хон қизиқиши яна ҳам ортади. Ойбек- нинг "Болалиги", Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртақлар", Ўткир Ҳошимов- нинг "Дунёнинг ишлари" каби роман ва қиссаларини эслайлик. Ана шундай ва- зиятда табиий савол туғилади. Хўш, нима учун ёзувчининг болалик йиллари ҳақида ёзган бадий асари қизиқарлироқ, жо- зибалироқ туюлади. Бизнингча, ҳақиқий ижодкор бошидан кечирган ҳаёт лаҳзаларини китобхон санъаткор кўзи билан аниқ кўради, бадий баҳо беради.

Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаевнинг "Янги аср ав- лоди" нашриётида яқинда нашрдан чиққан "Қаллахоналик йигит- ча" номли китоби юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Му- саввирнинг ёшлик хотираларини жамлаган ушбу ижод намуна- сини ўқиганимизда битта ҳақиқатга тўла ишонч ҳосил қила- миз. У ҳам бўлса, шаҳарнинг маҳалладан, маҳалланинг хонадон- дан, хонадоннинг останадан бошланиши. Тошкент қиёфасидаги кун ва соат сайин кўзга ташланган англиклар таъсирида ав- валги ҳаёт ва менталитетимиз ҳақидаги фикрлар маълум дара- жада муқояса қилингандай. Синчков тошкентликлар сўхбатдоши- нинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, мулоҳаза юритиш усулидан, сўзларидан унинг қайси маҳалла кишиси эканини аниқ айтиб берганлар.

Китобдан ўрин билан шу жиҳати Муносабат билан эътибори- мизни тортади. Мусаввирнинг ёшлик хотиралари кўчаларда сайр қил- диради, машур чойхоналардаги жўшқин воқеалар гувоҳига ай- лантиради. Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Воҳид Қоди- ров, Карим Хонкелдиевлар билан таништиради, рассомлик сир- ларини ўрганган ўқувчилар саройига олиб боради. Тошкентнинг энг сершовкин Чорсу, Эски жўва бозорларида айлантиради, ҳатто троллейбуснинг орқа шатагида Бешёғочдаги рассомлик билим юртига олиб боради. Мухими, бу ҳаёт ёш Алишернинг ҳаётни болаларча қабул қилиши, бўлажак рассомнинг руҳий кечинмала- ри, ўнлаб саволлари ва ўзига хос гаройиб жавоблари асосида китобхонга тақдим этилади. Мана бир мисол: "Қаллахона аҳоли- си театр, кино ва шунга ўхшаш бошқа томошаларга бормаса ҳам бўлаверади. Чунки маҳалланинг ўзи театр, паст-баланд девор- лари орасига "аширинган" хонадонларнинг ўзи кинофилми".

Китобни ўқиб эканмиз, собик тузум даврида бутун ҳаёт, юр- тимизда рўй бераётган воқеа-шатагидеялар ҳужумрон гоё қурбонига айлан- тирилгани алоҳида эътибор билан, кези келганда алам билан қаламга олинганига гувоҳ бўламиз. Тулаган Мирзаев ўғил кўрди. Қувончи ичига сиймаган ота бир неча маҳаллага ош бериб, бунчи юртга маъ- лум қилди. Шунга қарамай, ўғлига исм қўя олмай боши қотиб ётиб- ди. Янги исми қўйишни ўзига лойиқ топмайди. Эскича исми қўйишга кўради. Охири, таваллак қилиб ўғлига Алишер деб исм қўяди. Ҳаз- рат Навоий бобомиз шундай пайтда ҳам оддий ўзбек оиласи қувон- чига қувонч қўшади.

Ҳақиқатан ҳам, биз Урол Тансиқбоев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров, Рўзи Чориев каби ажойиб мусаввир санъаткорлари- мизни биламиз. Аммо уларнинг ҳаёт йўлида, айниқса, роман- тик воқеаларга бой ёшлик йилларидан мўлқроқ беҳабармиз. Улар ҳақидаги илмий тадқиқотларда аксари биографик маълумотлар, зарурий саналар, муайян асар таҳлили каби расмий ҳужжатлар баёни берилади. Рассомнинг насрий асари эса китобхонни бўла- жак рассомнинг бошидан кечирган саргузаштлари, ҳаётини каш- фиётлари, болалик таассуротлари, турмуш қувончлари ва та- швишлари билан таништиради. Энг муҳими, ёшликда пайдо бўлган ҳавасга содиқ қолиш нақадар муҳим эканини тасдиқлайди. Чой- хонада чойнак-пиёла юлганда, нон сотганда, қабобпазга шогирд тушганда у оилга қўлдан келганга ёрдан беради, оғирлигини ўзи кўтаришга уринади, аммо кутубхонадаги ўзбек, рус, жаҳон адабиёти намоёндаларининг бадий асарларини эриштириб му- толаа қилади. Ўқувчилар саройидаги рассомлик тўғрагини тарқ- этмайди. Ҳатто тақдир тақозоси билан савдо техникумига ўқишга кирганида ҳам рассомлик билим юртига ўтмагунига қадар тиниб- тинчимайди. Бизнингча, хозирги кунда умумтаълим мактаблари- да, академик лицей, касб-хунар коллежларида ўқитган ўқувчи- ларимизга айнан шундай бадиий асарлар керак. Ёшларни ўтган асрда, бундан эллик йил аввал унинг ёшидаги тенгдошлари қан- дай яшаганини билиш қизиқтириши тайин. Алишер Мирзаев- нинг насрий асарлари ўзбек болалар адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлади, деган умиддамиз.

Омонулла МАДАЕВ

Кунни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий ку- тубхонасида Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев китоби- нинг тақдими бўлиб ўтди. Кўплаб санъат ихлосмандлари, та- ниқли шoir ва ёзувчилар, мусаввирлар иштирок этган ушбу тад- бир қизиқарли ижодий сўхбатларга бой бўлди. Йиғилганлар ки- тобнинг яратилиши, муаллифнинг ижодий изланишлари ҳақида маълумотларни тинглаш баробарида ўзларини қизиқтирган са- волларга ҳам жавоб олишди.

## ЁЗУВЧИ СУРАТГА ОЛАДИ

Санъат ихлосмандлари ёзув- чи Нодир Норматовни мамлака- тимизда ташкил этилган кўпги- на фото кўргазмалар иштирок- чиси сифатида яхши билишди. Шу кунга қадар ижодкорнинг "Қишлоқ томон йўл", "Сурхон оҳангар", "Водийларни яёв кез- ганда", "Ватан тимсол- лари", "Бу ижод бўстонида" каби ўнга яқин шахсий кўргазмаси на- мойиш этилган. Яқинда Фарғо- на шаҳридаги Бадий ижодкор- лар уюшмаси вилоят бўлимида, шунингдек, Кўкон маданият ва санъат коллежи ҳамда Андижон- даги Ўлкашунюстик музейида ижодкорнинг янги кўргазмалари очилди.

Муаллиф бу галли намойиш мавзусини юртимизнинг пиру бадавлат отахонларию онахон-

## Кўргазма

муҳрланган. Муал- лиф нафақат пой- тахтда, балки ви- лоятларда, энг чека қишлоқ- ларда ҳам яшаб турган кекса авлод вакиллари- нинг ички ду- нёсига, маънавиятга бой ола- мига назар ташлайди, қутилма- га ечимларни топишга эри- шади. Фоторассом ижодида бундай нозик қадриятлар та- сиви бадий жозиба, нурили тимсолларга айланиб, ўзига хос услубни намоеён этади.

Абдурауф ЗОКИРОВ

## "САЙЁРАЛАР КАШФ ЭТИЛГАНДА"

Режиссёр Наби Абдурахмонов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Ёшлар театри яқинда мухлислар эъти- борига ҳавола этган "Сайёралар кашф этилганда..." спектаклини томоша қилаётиб, театр жа- моаси саҳнашартинг асар томошаби- ларни замондан бир қадам олдинда юришга ундашига амин бўласиз.

Асар муаллифи, таниқли драматург Идо Не-

лими, ақл-заковатини қай даражада бахшида эта олишини кўрсатишга ҳаракат қилдим", дей- ди муаллиф. Асарни саҳнага олиб чиққан ре- жиссёр Наби Абдурахмонов ва асосий рол ижрочилари Альберт Холмурзаев (Эйнштейн), Обид Абдурахмонов (Ве- ликовский) бор маҳоратларини ишга солиб, саҳнада инсонга мадҳия қўлайди. Гўё бир нафасда намойиш этилувчи икки соатлик саҳна асари томо- шабин диққатини шу қадар бир нуктага жамлайдики, у бутун то- моша давомида спектакл қаҳра- монлари билан бирга баҳслаша- ди, изтироб ва ташвишга туша- ди, кези келганда ёш боладек қувонади. Икки қаҳрамон баҳси орқали томошабин бугунги ку- нимиз руҳиятига, одамларнинг ўй-фикрларига ошно бўлади.

Спектаклнинг мусиқий дунёси рассом яратган тасвирий олам — ер курраси ва сайёраларнинг до- имий ҳаракати, мўъжизавий ви- деолавлалар билан узвий боғла- ниб, асарнинг бадий-фалсафий юкни қучайтиради, томошаби- ни фикрлашга қўрайди. Бунда,

шубҳасиз, мусиқа муаллифи А.Холмурзаев, саҳ- на безаклари муаллифи В.Васильева ҳамда ви- деодизайнер Е.Фузулованинг хизматини таъкид- лаш жоиз.



танъяху песани икки олим — Нобель мукофоти соҳиби Альберт Эйнштейн ва унинг замондо- ши, руҳшунс Имануэль Великовский сўхбат- лари, уларнинг хатлари, асарлари ва қўлёзма- лари асосида яратган. "Ушбу асарда инсонлар ўртасидаги муносабатлар, табиат қонунлари, коинот ва ҳаётни ўрганиш йўлида одам ўз би-

Аҳмаджон РАҲИМОВ, санъатшунос

## САҲНАДА "ҚИРҚ ҚИЗ"

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат театрида таниқли композитор ва дирижёр Қурбонбой Зареддиновнинг "Қирқ қиз" балет-спектакли премьераси бўлиб ўтди. Уни балетмейстер Ҳаби- булла Шарипов, режиссёр Бердибой Утебаев, рассомлар Раҳат Асқаров ва Завқи Сайпов ҳам- корликда саҳнага олиб чиқдилар.

Маълумки, Қ.Зареддинов узоқ йиллардан буён Бердақ номидаги театр жамоаси билан мунта- зам ижодий ҳамкорлик қилиб келади. "Тўмарис" операси, "Ёр дийдори", "Лаққилар", "Тирсек- лар" мусиқий асарлари навбатдаги балет-спектакли ёзилишида муҳим босқичлардан бўлди. Икки акт, олти саҳнадан иборат "Қирқ қиз" балетининг асосий мавзуси Ватанни ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш, эл-юрт озодлиги йўлида кураш олиб борган довурак аёллар жасора- тини мадҳ этишдан иборат.

Спектаклдаги асосий ролларни Манзура Абатова (Гулолим), Султон Есенбоев (Олоёёр), Ойжамол Тўлегенова (Сарбиназ), Зибиш Пирлепесова (Оқсулув), Дилшод Қурбонбоев (Ар- сол), Махсет Сарсенов (Подшо), Алишер Қурбонев (Журинтаз чўпон) каби театрнинг етакчи ва ёш актёрлари ижро этмоқдалар.

Замира КОСЕКЕЕВА

Бугунги ёш авлод мамлакатимизнинг келажакдаги таянчи ва суюнчидир. Бу таянч қанчалик мустаҳкам бўлиши, шубҳасиз, бу- гунги ўғил-қизларимизнинг маънавий олами қандай шакллани- шига боғлиқ. Бинобарин, ёш авлоднинг маънавиятига сал- бий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳодисалардан асраш давла- тимиз, жамиятимиз, ҳар биримиз- нинг асосий вазифамиздир. Шу ўринда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" номли асаридagi қўйидаги фикрларини келтириш ўринли: "...бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бош- қа санъат турларига кўпроқ ва қучиқроқ таъсир кўрсатмоқда. Бу масалада, айниқса, ёшлар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этадиган эстрада санъатининг аҳамияти беқиёс эканини бар- чамиз яхши тушунамиз". Демак, эстрада санъати хонадалари янада масъулиятли бўлишлари, фақат ижролари эмас, балки

## Тадбир

## ЁШЛАР ВА ЭСТРАДА

ташқи кўриниш, хулқ-атвор, саҳна маданияти, матн ва мусиқа уйғунлиги каби масалаларга ҳам ҳиддий аҳамият беришлари зарур.

Афсуски, ҳозир бу борадаги аҳволни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Баъзан давлат ва нодавлат телерадиоканалларда, интернет тармоғида, умумий оватланиш шохобчаларидаги ре- клама экранларида янграётган қўшиқлардаги матн сазёлиги, ижрочиларнинг ўзбекчилигимизга тўғри келмайдиган хатти-ҳара- катлари, "оммавий маданият" таъсирида юзга келаятган клип- лар ҳар қандай қалби уйғоқ одамни ташвишга солади.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан ўтказилган матбуот анжума- нида юқоридаги масалалар ўртага ташланди. "Ёш авлоднинг маънавий олами ва уни юксалтиришда миллий эстрада санъа- тининг ўрни" мавзусида ўтган мазкур тадбирни Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ра- иси, Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо олиб борди. "Эҳти- мол, қайсидир жойда эстрадага кўнгилочар восита, шоу-биз- нес сифатида қаралар, аммо бизда у тарбия, маданият, маъна- вият билан чамбарчас боғлиқ санъат", деди у ўз сўзида.

Анжуманда сўзга чиққан "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори ўринбосари Муроджон Маждидов, бирлашма матбуот хизмати бош мухассиси, шoir Азизбек Анвар, та- ниқли эстрада хонадалари Азим Муллахонов, Козим Қаюмов, Тоир Кўзиев, Шўхрат Йўлдошев, истеъдодли композитор Ой- дин Абдуллаева ва бошқалар ёшлар маънавиятига салбий таъ- сир кўрсатадиган қўшиқлар тарқалишининг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш, қандай чора-тадбирлар кўриш ҳақида гапирдилар.

Матбуот анжуманида Миллий эстрада санъатини ривожлан- тириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши аъзолари, "Ўзбекнаво" бирлашмаси маъсул ходимлари, таниқли хонадалар ва омма- вий ахборот вакиллари қатнашди.

## ОНАМ АЙТГАН АЛЛАЛАР

Инсон хотирасида яшовчи энг муноси ва ёқимли оҳанг бу ўз онасидан эшитган алла экани айни ҳақиқат. Бу сөхри оҳанг ҳар бир шахсни қизиқтириб, чин маънода халқларвар, она юртига садоқатли бўлишга ундайди. Мамлакатимизда аънавий тарзда ўтказиб келинган "Онам айтган аллалар" республика фестивалидан қўзланган асосий мақсад ҳам халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлган алла жанрини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган.

Бу йил фестивалнинг ҳудудий босқичларида икки юз етмишга яқин профессионал ҳамда ҳаваскор ижодкорлар қатнашди. Саҳнавий чиқишлар биргина алла ижроси билан чекланиб қолгани йўқ. Ҳар бир жамоа миллий урф-одат ва қадриятларимиз акс этган томошалар тайёрлаб, "Алла" қўшиқларини миллий чолгулар жўрлигида жонли овозда ижро этди.

Куни кеча Ўзбек миллий академик драма театрида "Онам айтган аллалар" фестивалининг якуний танлови бўлиб ўтди. Унда ҳудудий босқичларда сараланган олти нафар ижодкор беллашди. Ҳакамлар ҳайъати ҳулоасига кўра "Оригинал ижроси учун" номинациясида Бухоро вилоятининг "Омонёр" фольклор жамоаси вакили Сабоҳат Полвонова, "Ижро маҳорати" йўналишида Қашқадарё вилоятининг "Ризвонгул" ҳамда "Ойдиной" фольклор жамоалари, "Урф-одат ва аънавалар тарғиботчиси" йўналишида Қорақалпоғистон Республикасининг "Бес перде" фольклор жамоаси голиб деб топилди. Тадбир якунида фестивал голиб ва совриндорлари ҳамда таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.



## ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойишига асосан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюш-

маси, Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда "Меҳр ва муруват" жамоатчилик фонди ҳамкорлигида "Уруш бўлмасин жаҳонда" деб номланган иншолаб танлови ўтказилди.



Танловга мамлакатнинг барча вилоятларидан 50 нафардан зиёд ёшларнинг иншолари келиб тушди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ушбу иншолаб билан танишиб, ёшларимиз иқтидорига муносиб баҳо беришди. Ёшлар ўз иншоларида юртимиздаги тинчлик ва оқилолликнинг қадри, Ватанимиз мустақиллиги ва бунёдкорлик ишлари, юртимиз тинчлигини асраш учун қандай фидойилик қилиш мумкинлигини ҳаётий мисоллар орқали, болаларча самимий дунёқарашлари билан ифода этиб берганлар. Бугунги ёшларимиз кўпроқ компютер ва интернетдан фойдаланишни маъқул кўрадилар. Шуни эътиборга олган ҳолда, ёзилган иншоларни баҳолашда унинг мазмун-моҳиятидан ташқари, қўлда ёзилган ҳусниҳатга ҳам алоҳида баҳо қўйилди.

Иншолаб танловида Тошкент Давлат

Шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейи ўқувчиси Дилноза Тиллабоева 1-ўрин, Самарқанд шаҳри, 10-Меҳрибонлик уйи, 9 синф ўқувчиси Ашурбийи Баротова, 2-ўрин, Юнусобод туманидаги 260-мактабнинг

### Муборақ бўлсин

8-синф ўқувчиси Нигина Саидова ҳамда Зангиота туманидаги 54-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Фазилят Мирзаитовалар учинчи ўринни эгалладилар. Шунингдек, Феруза Бекмуродова, Асалбону Нурматова, Шохрухбек Абдуллаев, Сардорбек Сафаров, Нуржон Убайдуллаева ҳамда Ситорабону Ҳотамова рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

Танлов голибларига Ёзувчилар уюшмасининг сертификати, шунингдек, қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ахборот хизмати

## УЛУҒ САНЪАТКОРГА ЭРГАШИБ

Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров бетакор овози билан миллионлаб қўшиқ иҳлосмандлари қалбига завқ-шавқ олиб кирган, ўзбек миллий қўшиқчилиги санъати ва маданиятига катта ҳисса қўшган устоз санъаткор эди. У Жўраҳон Султонов, Маъмуржон

лик Абдумутали Ҳалимов, қашқадарлик Ихтиёр Жуманов ва иккинчи ўрин насиб этди. Учунчи ўринга Шерзод Собиров (Хоразм), Сарсенбай Алмасов (Қорақалпоғистон) ва Улмас Тоғаёв (Бухоро) лойиқ топилдилар. Фаол иштирокчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

### Кўрик-танлов

Узоқов, Комилжон Отаниёзов сингари улуг ҳофизлар ижро мактабининг давомчиси сифатида ўзига хос миллий услубни яратди. Ҳофиз ижро этган "Бизни ташлаб", "Дилбарим", "Ўхшайдику", "Тошкент ироғи", "Сувора", "Кўқон ушшоғи" каби ўнлаб қўшиқлар бугун ҳам санъат шинавандалари кўнглини обод қилмоқда.

Устоз санъаткорнинг миллий қўшиқчилик санъати олдидаги хизматларини ёдга олиш, у ижро этган қўшиқлардан янги авлодни ҳам баҳраманд этиш, ҳофиз ижодини тарғиб этиш орқали ёш истеъодлар, янги овозларни кашф қилиш мақсадида республика кўрик-танлови ўтказилди. Икки босқичдан иборат кўрик-танловнинг биринчи босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда бўлиб ўтди. Таваккал Қодиров қўшиқларини куйлаб келатган юзга яқин ҳаваскор хонанда ўз кунини синаб кўрди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрик-танловнинг иккинчи — якуний босқичи пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Унда ҳудудий танловларда голибликни кўлга киритган 16 нафар хонанда қатнашди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра Тошкент шаҳридан Зоҳиджон Мамадалиев ва Миршод Элов биринчи ўринни эгалладилар. Фарғона-

Султонали МАННОПОВ, Ўзбекистон халқ артисти, ҳайъат раиси: — Бугунги танлов устоз ҳофизлар хотирасига бағишлаб ўтказилган тадбирларнинг биринчиси эканини, ҳали олдинда Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби беназир санъаткорлар руҳини шод этишдек шарафли иш турганини эшитиб жуда қувондим. Бу — юртимизда санъат ва санъаткорларга кўрсатилётган эъзоз, эҳтиромнинг ёрқин намунаси. Албатта, ижроларнинг ҳеч бири Таваккал ака-никига ўхшамайди. Лекин устозимизнинг қўшиқлари нафақат ёши катталар, балки ёшлар тилида ҳам қадр топаётгани, умрбоқийлик сари юз тутаётгани бизга қувонч бағишлайди. Мана шундай тарбиравар бой ижодий меросимизни тарғиб қилишга ҳисса қўшиш билан бирга, устоз-шогирд аънавалари бардавомлигини таъминлайди.

Зоҳиджон МАМАДАЛИЕВ ва Миршод ЭЛОВ, танлов голиблари: — Биз танловда жўрвозлиқда куйладик. Шундай бўлса-да, ижрода бирикка, яқдилликка эришишга ҳаракат қилдик. Ҳали ёш бўла туриб шундай улуг ҳофизга бағишланган танловда голиб бўлиш биз учун катта бахт. Танловга тайёрланиш жарағида устоз Таваккал Қодиров репертуари нақадар бойлиги, қўшиқлари ижроси бир-биридан қанчалар фарқлианишининг гувоҳи бўлдик. Яна шуни ҳам билдикки, устоз куй басталашда ҳам бетакор истеъод эгаси экан. Ҳар бир куйда миллийлик, қадим ўзбек мусикаси садолари жилолани турди. Ушбу тадбир биз учун катта маҳорат мактаби бўлди.

Замонавий технологиялар асрида камол топаётган бугунги болалар ҳаётида китоб қандай ўринга эга? Назаримизда, бу саволга жавоб беришга шомаслик керак. Ҳа, компютер, интернет ҳозир мактаб ўқувчиларининг ажралмас дўстига айланган. Аммо бу ахборот воситалари китоб вази-сини бажаришга қодир, деб ўйлаш тўғри эмас. Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган "Китоб бизни бирлаштиради" фестивали ҳам бунга тасдиқлайди. Унда иштирок этган юзлаб жазми ўғил-қизлар, мактаб ўқувчиларига назар солган киши орамизда китобхон болалар нақадар кўплигига амин бўлади. Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу ижодий анжуман муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ёш авлод маънавиятига эътибор мамлакат келажакни бел-

гилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Болалар орасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, адабиётга, санъатга муҳаббат уйғотиш уларнинг маънавияти етук инсонлар бўлиб вояга етишларига замин яратди.

Сўлим боғ қўйнида ташкил этилган фестивал китобсевар болалар учун ҳақиқий байрамга айланди. Улар мамлакатимиздаги нашрётларда чоп этилган янги китоблар билан танишиш ба-робарида, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Энг фаол китобхонлар эса тадбир ташкилотчиларининг совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, болалар эътиборига дунё халқларининг ранг-баранг куй-қўшиқларидан иборат концерт дастури ҳам ҳавола этилди.

Ўз мухбиримиз.

## МУТОЛАА БАЙРАМИ

Мутолаа байрами — ўзбекистон ва жаҳон маданияти

## Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

### ЖАЗНИНГ ЖОЗИБ ОҲАНГЛАРИ

Мамлакатимиз маданий ҳаётида ўзига хос ҳодисага айланган халқаро жаз фестивали якунига етди. Бир ой давом этган ушбу тадбирда Франция, Латвия, АҚШ каби давлатлардан ташриф бурган машҳур жаз гуруҳлари билан биргаликда "Жазирама" гуруҳи ўз ижодий дастурларини тақдим этди. Айниқса, америкалик таниқли ижодкор Ари Роландо раҳбарлигидаги гуруҳнинг Ўзбекистон давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона ҳамда Успенский номидаги болалар академик лицейида ўтказган концертлари муҳлислар эътирофига сазовор бўлди. Ари Роландо квартети "Жазирама" гуруҳи билан ҳамкорликда ҳам концертлар ташкил қилди. Шунингдек, французлик моҳир пианиночи Пер Де Бетман ижросидаги лирик куйлар барчага манзур бўлгани шубҳасиз.

Фестивал дастурларини якуновчи концерт кечаси ҳам ёрқин чиқишларга бой бўлди. Машҳур жаз ижодкорларининг ижралари, "Хонума", "Ватани соғиниш", "Аланьеда тун" каби мусиқий асарлар муҳлисларда бетакор таассурот қолдирди.

Эдгард БОНГС, Латвиянинг Ўзбекистондаги элчиси:

— Ўзбекистонда жаз санъати бўлган эътибор, ёш ижодкорларнинг изланишлари мени ҳайратга солди. Концерт дастурларида юртин-гиз ижодкорлари энг мураккаб жаз асарларини маҳорат билан ижро этишди. Фестивалда Латвиядан келган жамоалар ҳам фаол иштирок этишганини таъкидлашни истардим. Бундай санъат анжуманлари мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамлинига хизмат қилишига ишончим комил.

Оскар ПЕТРАУСКИ, "Кселим трио" жамоаси аъзоси:

— Жаз мураккаб санъат тури ҳисобланади. У ижодкордан катта меҳнат ва изланиш-

ни талаб қилади. Асар ижро этаётганингизда доимо сизни кимдир тинглаб, ютуқ ва камчиликлари-рингизни айтиши зарур. Фестивал доирасида ёш ижодкорлар учун ўтказилган маҳорат дарсларида айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратдим. Агар ёшлар ўз устида ишлашдан тўхтамаса, келажакда, албатта, ўзбек жаз мактабининг салоҳия-тини дунёга намойиш эта оладилар.

Сайёҳат ТУРДИАЛИЕВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшманинг Наманган вилояти бўлими раҳбари Жамолiddин Муслимга отаси

ТУРҒУНҲУЛАТ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

### Гул кўп, чаман кўп

## ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

### Чопағон Ёзувчи

Таниқли япон адиби Х. Мураками ватанда чопағон адиб деб ҳам аташади. Боиси Харуки 33 ёшида чекишни ташлаб, фаол жисмоний машқлар билан шугуллана бошлаган. Ҳар кун кўп километрларга югуриб, бассейнда чўмилади. Адиб 1949 йили Киотода япон адабиёти муаллимлари оиласида таваллуд топган. Кўп йиллар йирик порт шаҳри Кобада яшаб энг нуфузли олий ўқув юртларидан ҳисобланган Васеда университети мумтоз драма бўлимида таҳсил олган. Талабалик йиллари урушларга қарши ҳаракатларда фаол иштирок этади. Токиода ўзининг жаз-барини очғач, бадиий асар ёзиш истаги туғилади. "Шамол кўшигини эшит" романи бошловчи адибларга аталган мукофот билан тақдирланган.

Эндликда адиб асарларини адабиётшунослар японияликлар дунёсига очилган дарча сифатида баҳоламоқдалар. Жаҳонгашта адиб дунёнинг кўплаб мамлакатларини кезган йиллари ўз ватани, японлар ҳаёти ва турмуш тарзи, маданияти ва менталитетига европаликлар кўзи билан қарай бошлайди ва унга илгари илганмаган жуда кўп нарсалар янада қимматли бўлиб кўринади. Бу жиҳатдан адибнинг "Пинбол", "Кўй ови", "Каламуш трилогияси", "Дэнс, Дэнс, Дэнс" романилар катта шухрат келтирган. Биргина "Норвег ўрмони" романи 2 миллион нуска сотилган. Мураками асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларга таржима қилинмоқда. Тўртта асари экранлаштирилган. Адиб Кобо Абэ, Кэндзабуро Оэ ва Юкио Мисима каби машҳур адиблар сазовор бўлган «Йомиури» адабий мукофоти билан тақдирланган. Яқинда ёзувчининг "Рангар Цкуру Тадзак ва унинг сафардаги йиллари" номли янги романи кўплаб тилларда босилиб чиқди.

### Гоголнинг шорихлик издоши

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида туғилиб (1948), эндликда Испания ва Гватемалада истиқомат қилаётган бестселлер асарлар устаси Мартин Сутер фаолиятини реклама бизнесидан бошлаб, бир вақтнинг ўзида газеталарга репортажлар, филмлар ва телекўрсатувларга сценарийлар ёзган. 1991 йилдан ўзини бутунлай адабий фаолиятга бағишлаган адибнинг ўттир сюжетли илк психологик триллери «Иллюминатор» туркумида босилиб чиққан.

"Мен унутганим йўқ" деб номланган навбатдаги аjoyиб психологик романи адабий шов-шувга айланган, адиб номини бутун жаҳонга танитди. Бу асар экранлаштирилиши муносабати билан бош ролга машҳур актёр Жерар Депардье тақлиф этилди. Асар бош қаҳрамони Конрад Ланг қайсида жихати билан Гоголнинг Башмакчини каби «кичик одамлар»ни эслатади. Кўпчилик у қадар жиддий қабул қилмайдиган кичик оламдаги кичик одамлар ҳеч нарсани унутмайдилар, улар ҳатто ўзлари билан бирга ўсган, бирга ўйнаган, мактаб ва университетда бирга таҳсил олган Томас Кох каби бой меросхўр «катта»ларни ҳам соясида қолдира бошлашади...

### Марк Твен мактублари

Калифорния университети ўқитувчиси Беркли америкалик машҳур адиб Марк Твен мактублари яширилган жойни топишга муваффақ бўлди. Адиб 1865-1866 йилларда ёзган мақола-ларнинг қўлёзмалари, Сан-Францискода яшаган пайтада ёзган мактублар, маҳаллий газеталарга почта орқали йўллаган хабарлар ёзувчининг ижодий мероси билан қизиқувчи тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Қўлёзмаларни ўрганиб чиқаётган мазкур университет вакили Боб Хорст уларни "Бу матнлар ёзилган вақт адиб ҳаётидаги алоҳида бир давр ҳисобланади. Марк Твен бу даврда ўзини ниҳоятда хур ва эркин ҳис этган, фикрини очик айтишдан мутлақо тийилмаган. Ўқувчилар қизиқиб мутолаа қиладиган бу фаройиб матнлар сақланиб қолганининг ўзи гоётада хайратланарли", дея шарҳлаган. Том Соьер ва Геклберри Финнинг саргузаштлари китоби муаллифи М.Твен 1864 йили Сан-Францискога келганда 29 ёшда эди. Газеталар билан яқин ҳамкорлик туфайли унинг илк ижодий ютуғи — "Калавераслик машҳур курбақа" ҳажвий ҳикояси бутун мамлакатда қайта-қайта чоп қилинган. 1866 йили у Гавай оролларида юборилди. Сафар таассуротларига доир кўплаб йўл очеркларини ўқувчилар катта қизиқиш билан қутиб олишган. Шундан сўнг ёш журналисти лекциялар ўқишга ҳамда хорижга бориб янги очерклар ёзиб келиш учун ижодий сафарларга тақлиф эта бошладилар.

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ХОМИЙ:  
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"  
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston  
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91  
Котибият — 233-49-93

Электрон манзилимиз:  
info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош  
муҳаррир  
Сирождин  
САЙИД

Ташрифтага келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ  
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.45

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам  
билан рўйхатга олинган. Адоли — 6112 Буюртма Г — 557. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.  
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ  
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ  
ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

9 772 181 614000